

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЖИСМОНИЙ МАДАНИЯТ ФАКУЛЬТЕТИ

Жисмоний маданият йўналиши

15.24 х-қ. -гуруҳ битирувчиси

Эгамбердиева Гулноза Рустамжон қизининг

“Ёзги ва қишки олимпиада ўйинларида дунё
мамлакатларининг иштироки ва уларнинг ютуқлари”
мавзусидаги

БИТИРУВ
МАЛАКАВИЙ ИШИ

Илмий раҳбар:

б.ф.н., доцент С.М.Сидиқов

Фарғона 2019

Битирув малакавий иш кафедранинг 2019 йил «_____» _____
«_____»-сонли йиғилишида муҳокама қилинган ва ҳимояга тавсия этилган.

Кафедра мудири _____ 3.Усмонов

Такризчилар

б.ф.д., доцент С.М.Сидиқов

Э.Мўйдинов, Фарғона 2-тиббиёт коллежи жисмоний
тарбия ва ЧХБТ тайёрганлик кафедраси мудири

РЕЖА:

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги

Мавзунинг ўрганилганлиги

Битирув малакавий ишининг мақсади

Битирув малакавий ишининг вазифалари

Битирув малакавий ишининг амалий аҳамияти

Битирув малакавий ишимизнинг фарази

Мавзунинг объекти

Битирув малакавий ишининг предмети

Битирув малакавий ишимизнинг янгилиги

Битирув малакавий ишининг тузилиши ҳажми

I БОБ. ЁЗГИ ОЛИМПИАДА ЎЙИНЛАРИДА ДАВЛАТЛАРНИНГ ИШТИРОКИ ВА УЛАРНИНГ СПОРТДАГИ ЮТУҚЛАРИ

1.1. I-V Олимпиада ўйинлари ва уларда давлатлар иштироки

1.1.1. Афинадан Стокгольмгача ўтказилган ёзги олимпиада ўйинлари

1.1.2. II ёзги олимпиада ўйинлари

1.1.3. III ёзги олимпиада ўйинлари

1.1.4. IV олимпиада ўйинлари.

1.1.5. V Олимпиада ўйинлари

1.2. Биринчи ва иккинчи жаҳон урушлари ўртасидаги даврда ўтказилган ёзги олимпиада ўйинлари, унда давлатларнинг иштироки ва спортдаги ютуқлари

1.2.1. VII-ёзги олимпиада ўйинлари

1.2.2. X – ёзги олимпиада ўйинлари

1.2.3. XV- ёзги олимпиада ўйинлари

1.2.4. XVI-ёзги олимпиада ўйинлари

1.2.5. XVII ёзги Олимпиада ўйинлари

1.2.6. XVIII ёзги Олимпиада ўйинлари

1.2.7. XIX-ёзги олимпиада ўйинлари

1.3. XX- XXVIII ёзги олимпиада ўйинлари ва унда давлат иштироки

1.3.1. XX-ёзги олимпиада ўйинлари

1.3.2. XXI-ёзги олимпиада ўйинлари

1.3.3. XXII- ёзги Олимпиада ўйинлари

1.3.4. XXIII – ёзги олимпиада ўйинлари

1.3.5. XXIV – ёзги олимпиада ўйинлари

1.3.6. XXV-ёзги олимпиада ўйинлари

1.3.7. XXVI-ёзги олимпиада ўйинлари

1.3.8. XXVII-ёзги олимпиада ўйинлари

1.3.9. XXVIII-ёзги олимпиада ўйинлари

II БОБ. ҚИШКИ ОЛИМПИАДА ЎЙИНЛАРИДА ДАВЛАТЛАРНИНГ ИШТИРОКИ ВА УЛАРНИНГ СПОРТДАГИ ЮТУҚЛАРИ

2.1. Биринчи жаҳон урушидан кейинги даврда ўтказилган қишки олимпиада ўйинлари

2.1.1. I қишки олимпиада ўйинлари

- 2.1.2. II қишки Олимпиада ўйинлари
- 2.1.3. III қишки Олимпиада ўйинлари
- 2.1.4. IV қишки Олимпиада ўйинлари
- 2.2. Иккинчи жахон урушидан кейинги даврда ўтказилган қишки олимпиада ўйинлари
- 2.2.1. V қишки олимпиада ўйинлари
- 2.2.2. VI қишки Олимпиада ўйинлари
- 2.2.3. VII қишки Олимпиада ўйинлари
- 2.2.4. VIII - қишки олимпиада ўйинлари
- 2.2.5. IX Қишки олимпиада ўйинлари.
- 2.3. X- XX қишки Олимпиада ўйинларида давлатларнинг иштироки ва спортда эришилган ютуқлари
- 2.3.1. X қишки Олимпиада ўйинлари
- 2.3.2. XI қишки Олимпиада ўйинлари
- 2.3.3. XII қишки Олимпиада ўйинлари
- 2.3.4. XIII қишки олимпиада ўйинлари
- 2.3.5. XIV қишки Олимпиада ўйинлари
- 2.3.6. XV қишки Олимпиада ўйинлари
- 2.3.7. XVI қишки олимпиада ўйинлари.
- 2.3.8. XVII қишки олимпиада ўйинлари
- 2.3.9. XVIII қишки олимпиада ўйинлари
- 2.3.10. XIX қишки олимпиада ўйинлари
- 2.3.11. XX қишки Олимпиада ўйинлари

ХУЛОСА

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги: Бугунги кунда тараққиёт йўлидан илдам кадамлар билан бораётган мамлакатимизда таълим тизimini тубдан ислоҳ қилиш ва такомиллаштириш, унга илғор педагогик ва замонавий ахборот технология жорий этиш, таълим самародорлигини оширишга давлат сиёсати даражасига кўтарилган.

Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёевни бевосита ташаббуси ва раҳбарлигида қабул қилинган ва изчил амалга оширилаётган Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йўналиш бўйича Харакатлар стратегияси, Ўзбекистон тараққиётини янги босқичини бошлаб берди. Бу стратегияэнг авало ҳуқуқий демократик давлат кўринишидаги халқ давлати қурилишига олиб келди ва буни “Халқ билан мулоқот”, “Электрон ҳукумат”, “Халқ қабулхоналари”, “Президент портали “, “Йўл харитаси” каби халққа хизмат қилувчи давлат идораларини ишлаши ҳуқуқий давлатнинг янги ва яққол намоёнидир. Мамлакатимиз барча жабҳаларда жадал ривожланиш даврларига ўтмоқда. Чунки стратегик дастури – амаллари Президентимизнинг куйидаги китобларида “Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини барпо этамиз”, “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб,интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбар фаолиятини кундалик фаолияти бўлиши керак”, “Қонун устиворлиги ва манфаатларини таъминлаш юрт тараққиёти ва халқ фаровонлиги гарови”, “Буюк келажагимизни мард ва олий жаноб халқимиз билан бирга курамиз” китобларида аниқ белгилаб берилган (1,2,3,4,5).

Ушбу сиёсатнинг асосий тамойилларидан бири таълимнинг узлуксизлиги ва изчиллигидир. Узлуксиз таълимнинг Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг асосий таркибий қисмларидан бири сифатида эътироф этилишининг сабабларидан бир ҳам ана шундадир.

Олимпиада ўйинлари қадимги юнон жисмоний тарбияси тараққиётини характерловчи миллий байрамини ёрқин намоёндаси сифатда тарихда ўчмас

из қолдирди. Бу ўйинлар Олимпиада доимий равишда ҳар тўрт йилдан кейин ўтказилган ва Олимпиада Зевси ўтказиладиган байрамлар билан боғлиқ бўлган. Хужжатларга асосланган маълумотлар бу байрам бошланиши эрамиздан аввалги 776 йилга туғри келади кўрсатади. Бироқ уларнинг ҳақиқатдан вужудга келган йилини анча илгариги даврни бу байрам юнонлар байрами сифатида тан олган йил деб ҳисоблаш лозим бўлса керак. Эрамиздан аввалги 776 йилда бу байрамни юнонлар байрами сифатида тан олган деб ҳисоблаш лозим. Афинада шу йили Олимпияда байрами ўтказилиши икки юнон давлат — элида ва давлатлар ўртасида тинчлик ўрнатиш билан боғланади. Ўйинлар ўтказиладиган вақтда бутун Греция буйлаб “Муқаддас” тинчлик эълон қилинади (3,5).

Тарихчилар бизга қадар сақланиб қолган турли манбаларни шу жумладан юнон ривоятлари ўша давр адиблари асарларни таҳлил этиш асосида энг қўхна олимпия ўйинлари билан боғлиқ бўлган тўрт даврни ажратиб кўрсатдилар. Улар олимпияда даврларини яъни умумэллик мусобақалари тўғрисидаги ривоятларига асосланди. Ва ниҳоят олимлар милоддан аввалги 4 асрда олимпиониклар умумэллик мусобақалари ғолиблари рўйхатини таҳлил этиш асосида ўша 292 та Олимпиаданинг биринчи милодан аввалги 776 йилда бўлиб ўтган (олимпия ўйинлари ғолибларини биринчи рўйхати худди шу йил тузилган) деган хулосага келганлар. Бу аниқ маълумотларга аниқланган илмий исботланган сана олимпия ўйинлари туғилган йил, деб эътироф этилади. Бу Олимпиаданинг тарихий даври ҳисобланади.

Олимпия ўйинари қўхна юнон қолаверса биргина унинг эмас балки бутун дунё адибу файласуфлари, хайкалтарошлари рассомлари ҳам, ҳозирги давр ижод аҳлини ҳам тўлқинлантириб, рухлантириб келган, келди ва келмоқда Олимпиадаларда жисмоний гўзаликка ақли салоҳияти, мусиқий, бадиий тасвирий тасвири истеъдод руҳи уйғуни бўлган Қўхна Юнонистонда баркамоллик инсон дунёга келиши билан улуғлана бошлаганлар. Бу

мамлакатда ҳар йили Деметра ёки соғлом фарзанд танловини ўтказиш анъанаси худди шу билан боғлиқ эди (14,18,20).

Жамиятда ҳар томонлама баркамол эътиқодлик, чуқур билим ва жисмоний мукаммалликка эга шахсни тарбиялашда спортни алоҳида ўрни бор. Бундан ташқари спорт, шу жумладан дунё мамлакатлари ўртасида ўтказиладиган Олимпия ўйинларида инсоннинг чексиз имкониятларини намоиш этиш, кишилар айниқса ёшлар ўртасида дўстлик, мамлакатлар оро тинчлик муносабатларини ўрнатишдек олижаноб вазифаларни ечимини ечишда катта ўрни бор.

Олимпияда ўйинларини инсонлар ва давлатлар ўртасидаги дўстлик ва тинчлик ўрнатишдек ва замонавий тамойилларини ёритиб бериш тадқиқотни мавзусининг долзарблиги ҳисобланади.

Мавзунинг ўрганилганлиги: Мавзуни, яъни Олимпияда ўйинлар тарихи, замонавий Олимпияда ҳаракатини тикланиш (Романов А.О Родиченко) унинг тинчлик, дўстлик тамойилларини (Вилькин Я.Р. Александр К.Вилькин Я.Р) томонидан қисман ўрганилган бўлсада мутахассислар шу соҳадаги талабалар, омма учун бу йўналишни тарихий ва замонавий томонларини ўрганилмаган айниқса Олимпияда тарихи, ривожланиш босқичлари, унинг дўстлик ва тинчлик томонлари етарлик даражада ўрганилган (ЭрназаровЭ.) Олимпияда жаҳон спорт байрами китоби, 2008 йилда чоп этилган бўлиб бундан бошқа адабиёт, кулланма илмий мақолалар давлатимизда чоп этилмаган, шу сабабли битирув ишида Олимпияда ўйинларини дунё мамлакатлар ўртасидаги тинчлик ва дўстлик томонларини шаклланишини, ривожланишдаги ўрнини кўрсатиб беришдан иборат.

БМИнинг мақсади: Ҳар бир нарс ва воқеани ўз тарихи, ривожланиш босқичи бўлганидек Олимпиада ўйинларини ҳам келиб чиқиш ривожланиш тарихига бундан ташқари унинг инсонлар ҳаётида мамлакатлар ўртасидаги муносабатларни шаклланишда ўзига хос томонлари мавжуддир (20,25).

Тадқиқотнинг асосий мақсад ва вазифаси Олимпиада ўйинларининг дунё мамлакатлар ўртасида тинчлик, дўстликни ўрнатишдаги ўрни ҳамда

миллионлаб ёшларни спорт билан фаол ва мунтазам шуғулланишга даъват этаётган чемпионларни ибратни кўрсатишдан иборатдир.

БМИнинг вазифаси: Харқандай соҳа спорт соҳасикаби давлатни дунёга тез машхур қила олмайди деган бринчи президентимиз. Барча давлатларда ўтказилаётгани каби қишки ёзги олимпиада ўйинлари натижаларини сарҳисоб қилиш жараёнида барча олимпиада ўйинларида бизнинг ҳамюртларимиз ҳам иштирок этиб келмоқда. Ҳамюртларимизнинг ютуқлари давлатимизни юқори чўққиларга олиб чиқди. Бу ютуқлар натижасида юртимизда жисмоний тарбия ва спорт соҳасига янада кенг шароитлар яратилиб келинмоқда. Яратилган шароитлар натижасида спорт билан шуғулланувчилар сони кўпайди битирув малакавий ишимнинг вазифаси ҳам спортчиларини натижаларини сарҳисоб қилиш билан бирга шу ютуқлар орқали юртимизда соғлом авлод тарбиялаш билан бирга спорт билан шуғулланувчилар сонини янада кўпайтириш.

БМИнинг амалий аҳамияти: Олимпия ҳаракатининг инсон комиллик, дўстлик, биродарлик ғоялари, қурраи замонимиздаги энг маҳоратли, энг матонатли энг кучли, энг чаққонларнинг ибрати орқали ватанимиз биринчи навбатда, ёшларимиз соғлом турмуш тарзи ва маънавий ва жисмоний гузалликка интилишда рағбатлантириш жаҳон спорт байрами ҳақиқий қаҳрамонлари чемпионлар ва совриндорлар, шу жумладан ғолиб юртдошларимиз тўғрисида талаба ёшлар, мутахассислар, олимпия ҳаракат ва спорт билан қизиқувчиларга тарихий, илмий – назарий билимлар бериш тадқиқотнинг амалга аҳамиятга эга бўлиши шубҳасиздир (26,27,32).

БМИ нинг фарази: Жамиятда ҳар томонлама баркамол эътиқодлик, чуқур билим ва жисмоний мукаммалликка эга шахсни тарбиялашда спортни алоҳида ўрни бор. Бундан ташқари спорт, шу жумладан дунё мамлакатлари ўртасида ўтказиладиган Олимпия ўйинларида инсоннинг чексиз имкониятларини намоёниш этиш, кишилар айниқса ёшлар ўртасида дўстлик, мамлакатлар аро тинчлик муносабатларини ўрнатишдек олижаноб вазифаларни ечимини ечишда катта ўрни бор.

Олимпияда ўйинларини инсонлар ва давлатлар ўртасидаги дўстлик ва тинчлик ўрнатишдек ва замонавий тамойилларини ёритиб бериш тадқиқотни мавзусининг долзарблиги ҳисобланади.

БМИ нинг объекти: Ёзги ва кишки олимпиада ўйинларини иштироки ютуқлари махсус адабиётлар ва интернет сайтлари орқали ўрганиб чиқилди ва олимпиадани келиб чиқишидан XXXVIII-ёзги олимпиадагача ва XX-қишли олимпиада ўйинлари натижалари ўрганилиб умумлаштирилиб чиқилди.

БМИ нинг предмети. Мутахасис ўқитувчи ва б ф н доцент домлалар кўл остида ёзги ва кишки олимпиада ўйинларида дунё мамлакатларининг иштироки ва ютуқлари ўрганилиб ва таҳлил қилиниб тўпланган.

БМИ тузилиши хажми: Битирув малакавий иши кириш, 2 боб, 6 та бўлим, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати, чизмалар, жадваллар билан бўлиб, жами 73 саҳифада, содда, тушунарли тилда баён қилинган.

I БОБ. ЁЗГИ ОЛИМПИАДА ЎЙИНЛАРИДА ДАВЛАТЛАРНИНГ ИШТИРОКИ ВА УЛАРНИНГ СПОРТДАГИ ЮТУҚЛАРИ

1.1. I-V Олимпиада ўйинлари ва уларда давлатлар иштироки

1.1.1. Афинадан Стокгольмгача ўтказилган ёзги олимпиада ўйинлари (Афин, 6-15 апрел, 1896 йил)

Биринчи замонавий олимпиада ўйинлари 1896 йил 5 апрел кунини Грециянинг Мармар стадионида 60 минг томошабинлар иштирокида юнон шахзодалари Константин ва Георгий ҳамкорлигида очик деб эълон қилинган. Бу кун – спорт тарихида шонли воқеа ҳисобланади, мана уч аср давомида дунё мамлакатларида олимпиада мусобақалари ўтказилиб келинмоқда.

Биринчи олимпиада дастурига спортнинг юнон рим кураши, енгил атлетика, гимнастика, сузиш, милтиқ ва топпончадан ўқ отиш, теннис, оғир атлетика ва қиличбозлик турлари бўйича фақат эркаклар ўртасида мусобақалар ўтказилган.

Биринчи олимпиада белгиланган муддатларда муваффақиятли ўтиши учун Ҳалқаро Олимпия Қўмитасининг биринчи президенти Деметридиус Викилас ва Греция Миллий Олимпия Қўмитаси бутун идораларини ва ташкилотчилик фаолиятларини намоёнишига тўғри келди. Чунки, кутилмаганда Греция ҳукумати ҳам Афина шаҳри маъмурияти ҳам жаҳон миқёсидаги бу спорт мусобақаларини ўтказиш учун етарли миқдорда маблағлар йўқлигини билдириб ўйинларни ўтказишни умуман шубҳа остига қўйдилар.

Бундай вазиятда Пеьер де Кубертен ва уни тўла қувватлаган Греция шахзодаси Константин ташаббуси билан олимпиадани ўтказиш жамғармаси ташкил этилди. Жамғармага нафақат юнонликлардан балки бошқа мамлакатлардан ҳамда турли ҳомийлардан маблағлар келиб туша бошлади. Хомийлар томонидан тушган пуллариغا Греция пойтахтида велодром, ўқ отиш бўйича мусобақалар ўтказиладиган тир қурилди. Олимпиадани ўтказиш

учун маблағ тўплашда айниқса тарихда биринчи марта бу ўйинларга бағишланган почта маркаси чиқарилиши қўл келди. Умуман Греция Олимпия ташкилий Қўмитаси барча тайёргарлик ишларини ўз вақтида тугаллашга мувоффақ бўлди. Биринчи маротаба турли мамлакатлар спортчиларини олимпиада ўйинларига жалб этиш ҳам осон кечмади. Дунёдаги етакчи спортчиларнинг Афин олимпиадасига келишлари учун маблағ топиш ҳам жиддий муамоларни келтириб чиқарди.

Биринчи олимпиадага таклиф қилинган 34 мамлакатдан 13 давлат-Австралия, Австрия, Америка Қўшма Штатлари, Болгария, Буюк Британия, Венгрия, Германия, Греция, Дания, Франция, Чили, Швеция спортчилари қатнашдилар.

Олимпияда мусобақалар дастурига спортнинг тўққизта тури: енгил атлетика, теннис, сузиш, оғир атлетика, қиличбозлик, велоспорт, юнон-рум кураши, ўқ отиш бўйича спортчилар олимпиада ғолибликлари учун беллашганлар.

Енгил атлетикадан беллашувлар 12 та тур – 100, 400, 800, 1500 метрга югуриш 110 метрга тўсиқлар ошиб югуриш, марафон, узунликка, баландликка, уч хатлаб, лангар чўп билан сакраш, диска, ядро улоқтириш бўйича мусобақалар ўтказилган. Спорт гимнастикасида эса мусобақалар шакли ва жамоа биринчиликлари бруслар, перекладиналар, шахсий беллашувлар эса фақат конь, ҳалқа сакраш ва арқонга чирмашиб чиқишдан бўлиб ўтган. Енгил атлетика туридан 100 метрга югуришдан 9 мамлакатда 19 спортчи, лангар чўпдан сакрашда эса 2 мамлакатдан 5 спортчи қатнашди.

1.1.2. II ёзги олимпиада ўйинлари (Париж, 14 май – 13 сентябр, 1900 йил)

Иккинчи олимпиада ўйинлари пойтахти сифатида Парижнинг танланиши замонавий олимпия харакатига асос солган Пьер де Кубертен хизматлари эди. Чунки Афинадаги олимпиаданинг катта мувоффақиятидан сўнг юнонлар Ўйинларнинг навбатдагиларини ҳам ўзлари ўтказиш умидида эдилар. Лекин Ҳалқаро Олимпия Қўмитаси бу мусобақалар тўла ҳалқаро

кўлам касб этишни кўзлаб, уларни жаҳоннинг турли мамлакатлар шаҳарларида ўтказишларидаги ўз қарорларига қатъий амал қилишни билдирди.

Франция Миллий Олимпиа Кўмитаси ўз зиммасига Ўйинларни ўтказиш масъулиятини олган бўлсада, ташаббускорлик, фидойилик, ташкилотчилик салоҳиятини кўрсатишда ожизлик қилиб қолди. Хамма нарса Олимпиадани ўтказиш учун талаб қилинадиган маблағ етишмаслигига бориб тақалди. Бундай вазиятда ХОҚ Президенти II Олимпиада барбод бўлмаслиги учун ягона имконият- Парижда ташкил этилаётган Ҳалқаро кўргазмадан фойдаланишни таклиф этди. Яъни уни ушбу кўргазма доирасида ўтказишга қарор қилинди, лекин бу ҳам яхши натижа бермади. Пьер де Кубертен ўз кундалигида ўкинч билан: “Жаҳонда Олимпиа Ўйинларига бефарқ қара оладиган битта жой бор, бу жой - Париж”, деб қайд этганди.

Америкалик Алвин Кренцлти Париж Олимпиадасининг энг яхши спортчиси номига сазовар бўлди. У мусобақаларнинг тўрт тури – 60 метрга югуриш (7.0сек), 110 метрга тўсиқлар оша югуришда (15.4сек), 200 метрга тўсиқлар оша югуриш (25.4сек), шунингдек, узунликка сакрашда 7метр 18 см натижани кўрсатиб 4 та олимпиада медали ғолиб бўлди.

1.1.3. III ёзги олимпиада ўйинлари (Америка, 1 июль – 23 ноябр, 1904 йил)

Иккинчи Олимпиада Ўйинларида Америка Қўшма Штатлари спортчиларининг муваффақиятларини эътиборга олган ҳолда Ҳалқаро Олимпиа Кўмитаси уларга – учинчи Ўйинларни ўтказишга ҳукм берди.

Дастлаб Олимпия ўйинларининг АҚШнинг энг йирик шаҳарларидан бири –Чикагода ўтказилиши режалаштирилган эди. Аммо Олимпиаданинг Сент-Луис шаҳрида ўтказилишига қарор қилинди. Чунки худди шу ерда Жаҳон кўргазмаси ўтказилаётган эди, чунки Америка Қўшма Штатларининг ўша вақтдаги Президенти Теодор Рузвельт қўллаб-қувватлагани ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди. Сент-Луисдаги олимпиада ўйинлари ҳам аввал Парижда

бўлганидек, Жаҳон Кўргазмасига кўшимча бир тадбирга ўхшаб қолди. Учинчи олимпиада ўйинлари 1904 йил 29 августда очилиб, сентябр ойи ўрталаригача давом этди. Бу олимпиада ўйинларига Европанинг беш давлати – Англия, Греция, Франция, Венгрия ва Германиядан 53 нафар спортчи кела олди, холос. Океан ортидаги Сент-Луис шаҳрига келиш жуда қимматга тушиши сабабли жаҳоннинг кўпгина энг кучли спортчилари мусобақаларга қатнаша олмадилар.

Сент- Луис олимпиадаси кўпгина “маҳаллийлаштирилган ўйинлар” деб аталди. Чунки, бу ерда ўша вақтда ўтказилган кўпгина маҳаллий миқёсдаги, хусусан, олий ўқув юртлири ва мактаблар, коллежлараро мусобақаларга олимпиа ўйинларини таркибий қисми сифатида қаралиб уларнинг ғолиблари Олимпиадада чемпионлари, деб эълон қилинаверди. Учинчи олимпиада ўйинларида 625 нафар спортчи (шу жумладан, 8 та аёл), 533таси АҚШ спортчилари эди. Спортчилар спортнинг 16 тури бўйича беллашдилар. Баскетбол ва байдаркадан ешқак эшиш спорт турлари бўйича кўргазмали чиқишлар ташкил қилинди.

Мезбонлар енгил атлетика бўйича мусобақалар 25 турининг 23 тасидан, шунингдек, бокс, кураш, сув топи, камондан ўқ отиш, теннисдан мутлоқ ғолиб бўлдилар.

Учинчи олимпиада ўйинларида бир қатор оламшумул спорт натижалари кўрсатилди. Хусусан, 200 метрга 21,6 секунд натижа билан кўрсатган америкалик Арч Хен янги рекорд ўрнатди бу натижани 28йил давомида ҳеч ким ўзгартира олмади. Эндигина 20 ёшга тўлган бу спортчига 60 ва 100 метрга югуришда ҳам тенг келадигани топилмади.

Енгил атлетика мутахассислари бўйи атига 1,64 метр бўлган Хен шундай юксак натижаларга эриша олишини хаёлига ҳам кира олмас эди. Уч қарра олимпиада чемпиони “Қисқа масофаларга қандай югуриш керак?” китобида спортчи бўйининг пастлиги унга югуришда юксак натижаларга эришишга асло тўсқинлик қила олмаслигини ўзи кўп йиллар давомида олиб борган илмий тадқиқотлари натижалари билан исботлаб берди.

1.1.4. IV олимпиада ўйинлари.

(Лондон, 27 апрель – 29 октябрь 1908 йил)

Греция Миллий Олимпиа Қўмитасининг замонавий Олимпиада харакатининг 10 йиллигига бағишлаб, 1906 йил Афинада Олимпиада мусобақаларини ташкил этди. ХОҚ Греция Миллий Олимпиа Қўмитасининг уларни расмий Олимпиада, деб эълон қилиш ҳамда замонавий олимпиада ўйинларини ҳар ўн йилда Афинада ўтказиш давосини катъийян рад этади. У олимпиада тарихига биринчи ва охириги навбатдан ташқари Ўйинлар номи билан киритилган. Аммо навбатдаги IV Олимпиада Ўйинлари бошланишига бир йил қолганда уни ўтказиш учун жиддий хавф ойида қолди. Бу Олимпиадани ўтказишда даставвал тўрт шаҳар Берлин, Лондон, Рим ва Милан давогарлик қилган эди. Германия Миллий Олимпиа Қўмитаси ўз ҳукумати томонидан қўллаб-қувватланмаганлиги сабабли Берлин шаҳри номзодини қайтариб олди. Ҳалқаро Олимпиа Қўмитаси уч номзоддан Римни маъқул топди.

Лекин Италия Миллий Олимпиа Қўмитаси ҳам бу мусобақани ташкил эта олмаслигини маълум қилди. Ана шундай мураккаб вазиятда Лондон Ўйинларга мезбонлик қилиш масъулиятини ўз зиммасига олди. Инглизлар атига бир йил ичида Олимпиада ўйинларига кенг ва муваффақиятли ўтказиш учун ҳамма шароитларни мухайё қилишга улгурдилар. Олимпиада учун махсус 100 минг томошабинга мулжалланган улкан “Уайт-Сити” стадиони қисқа давр ичида қуриб битказилди. Стадион ёнида сузиш ҳавзаси, кураш зали, велопойга учун трек барпо этилди ва бошқа спорт иншоотлари ҳам тартибга келтирилди. Бу Олимпиада Ўйинларига 22 мамлактдан 2034 нафар спортчи (шу жумладан, 36 аёл) иштирок этиб, спортнинг 20 тури бўйича 107 та медал учун кураш олиб бордилар. Жумладан аёллар ўртасида теннис, камондан ўқ отиш ва дастлабки марта қиш спорт тури фигурали учиш бўйича мусобақалар ўтказилди.

Америкалик Мелван Шеппару 800 метрга (1дақ 3,4сек жаҳон рекорди), 1500 метрга (4дақ 3,4 сек олимпиада рекорди) ва қиска масофаларга 200+200+400+800 метрга эстафетада 3та олтин медал соҳиби бўлди.

Унинг ватандоши Жон Фленген молот улоқтиришда 51метр 92 сантиметр натижа кўрсатиб рекорд ўрнатди. Жанубий африкалик 18 ёшли Режанальда Уокер 100, канадалик Роберт Керр 200, инглиз Уиндхем 400 метрга югришда ғолиб бўлдилар.

Америкалик Маргин Шердан диск, швед Эрик Лемминг найза улоқтиришда иккитадан олтин медал билан тақдирландилар. Инглиз спортчилари велосопед спортдан олтита медалнинг бештасини қўлга киритдилар.

1.1.5. V Олимпиада ўйинлари (Стокгольм, 5 май-22 июль, 1912 йил)

Халқаро Олимпиа Қўмитаси навбатдаги V Олимпиада пойтахтини Стокгольмни танлаганда Шведлар қувончининг чеки йўқ эди. Ташкилотчилр ўйинларни ҳар қанчадан ҳам янада муваффақиятли ўтиши учун пухта дастур ишлаб чиқиб, уни изчанлик билан амалга оширдилар. Олимпиада ўйинларида 28 мамлакатдан 2541 нафар спортчи шу жумладан, 57 нафар спортчи аёллар иштирок этдилар.

V Олимпиада ўйинларида биринчи марта Миср, Люксембург, Португалия, Сербия, Япония иштирок этдилар. Ташкилотчилар ўйин дастуридан спортнинг бокс, эркин кураш, оғир атлетика, чим устида хоккей, фигурали учуш ва камондан ўқ отиш турларини чиқариб ташлаб Олимпиада дастурида 16 та спорт турини қолдирдилар.

Россия терма жамоаси таркибида 169 спортчи бўлиб, улар Стокгольм Олимпиадасида иштирок этадиган спортчиларини саралаш мусобақаларини Тошкентдаги Округ қиличбозлик–гимнастика мактабида ўтказганлари диққатга сазовордир. Теннис бўйича эркаклар ва аёллар ўртасида ҳам ёпиқ (май ойида) ҳам очик корт (июнь)ларда алоҳида-алоҳида эркаклар ўртасида француз Андре Жобер ва аёллар ўртасида британиялик Эдит Хеннемга тенг

топилмади. Очиг кортларда Жанубий Африка Республикасидан Яарлез Уинсло ҳамда француз Маргарет Бронерилар Олимпиада чемпионлари бўлдилар. Енгил атлетика бўйича олимпиада дастурига биринчи марта 5000 ва 10000 метрга югуриш, 10 километрга спортча югуриш, 8000 метрга кросс, 4x100 ва 4x400 метрга эстафета киритилди.

1.2. Биринчи ва иккинчи жахон урушлари ўртасидаги даврда ўтказилган ёзги олимпиада ўйинлари, унда давлатларнинг иштироки ва спортдаги ютуқлари

1.2.1. VII-ёзги олимпиада ўйинлари (Антверпен Бельгия, 3 апрель-12 сентябрь, 1920 йил)

VI Олимпиада ўйинларини 1916 йил Берлинда ўтказиш режалаштирилган эди. Халқаро Олимпия Қўмитаси бу ҳақида 1909 йилда қарор қабул қилган эди. Аммо Грюневальдаги янги стадион Олимпиадачиларни ўз бағрига олиш баҳтига муяссар бўла олмади.

Стокгольм Олимпиадаси тугагандан сўнг икки йил ўтар – ўтимас биринчи жахон уруши бошланиб кетди.

VII Олимпиада ўйинларига мезмонлик қилиш шарафи Бельгияни Антверпен шаҳрига насиб этди.

VII Олимпиада ўйинлари 3 апрелдан 12 сентябргача бўлиб ўтди, бунда 29 мамалакатдан 1606 спортчи иштирок этди, шу жумладан, 63 аёллар иштирок этди. Бу ўйинларда Аргентина, Бразилия, Испания, Монако, Чехославакия, Югославия миллий терма жамоалари илк бор жахон байрамларида қатнашдилар.

Биринчи жахон уруши Белгияга ҳам катта зиён етказган эди. Шунга қарамасдан мамлакат миллий Олимпия қўмитаси президенти граф Анриде Байе-Лотур бошчилигидаги Ташкилий Қўмита Олимпиада ўйинларини ўтказишни таъминлаш учун астойдил ҳаракат қилди. Ўйинлар тарихида

биринчи марта шайбалик хоккей ва фигурали учаш мусобақаларини ўтказиш учун сунъий стадион қурилди. Велосипедчилар учун улкан Вильбрёк каналини бир қисми эшакка эшиш бўйича мусобақаларга мослаштирилди. Футбол турнири учун “Биршот” стадион қурилди.

Афсуски ташкилотчилар аввали Олимпиадалардаги айрим камчиликларни такрорлашга йўл қўйдилар. Жумладан фигурали учаш ва хоккей мусобақалари апрелда, елканли қайиқ спорти ва отиш мусобақалари эса август-сентябр ойларида ўтказилди. Натижада Олимпиада мусобақалари тўрт ойдан ҳам кўпроқ-1920 йил апрелдан, 12 сентябргача чўзилиб кетди.

Аммо VII Олимпия ўйинлари ташкилий ишларидаги нуқсонлари билан эмас, балки жаҳон спорт байрамига янги мазмун—моҳият билан спорт тарихидан ўрин олди. Бу Олимпияда ўйинларида илк бор Олимпияда рамзи, курраи-заминимиз барча қитъалари- Европа, Африка, Осиё, Австралия халқлари шу жумладан, спортчилари бирлиги ва дўстлиги рамзи сифатидаги ўзаро узвий боғлиқ беш халққа тасвири туширилган байроқ қўтарилди. Аслида Олимпияда байроғи Халқаро Олимпия Қўмитаси томонидан 1913 йилда қабул қилинган бўлиб, 1916 йилдаги Олимпияда ўйинларида қўтарилиши керак эди. Аммо юқорида қайд қилинганидек, бунга уруш халақит қилди.

Финландиялик енгил атлетикачилар найза улоқтиришда учта, ядро улоқтиришда иккита, диска улоқтиришда 1 та олтин медал совриндори бўлдилар. Фин енгил атлетикачилари бу олимпиададан 15 та олтин медал совриндори бўлди.

Бразилиялик Жильмо Паранзе, Жанубий Америка спортчилари орасида биринчи бўлиб олимпияда чемпиони шарафига сазовар бўлди. У пистолетдан тез ўқ отиш мусобақаларида ғолиб чиқди. Спортнинг бу турида америкалик Вилли ли бешт, унинг жамоадоши Лолойд Спурнер эса тўртта олтин медални қўлга киритди.

14 ёшли Эйлин Ричиннинг сувга сакраш бўйича ўша вақтда энг ёш олимпиада чемпиони хисобланар эди.

Италиялик Нейдо Надига ва унинг укаси Альдо рапира ва қилич, супачада энг кўп олтин медалларини олишга сазовар бўлишди.

Норвегиялик мерган Отто Олсен ўқ отиш бўйича 4 та олтин ва 2 та кумуш медални қўлга киритди.

Америкалик Карл Осбери ҳам спортнинг бу тури бўйича 4 та олтин ва 1 та кумуш медали ва М.Фишер, Д.Фентон, Д.Жексон, Г.Скрайвер, К.Фредерик 3 тадан олтин медалга сазовар бўлдилар.

Аёллар ўртасида америкалик Этелада Блейтбери 100 ва 300 метрга сузиш ва 4x100 метр эстафета бўйича 3 та олтин медал сохиби бўлди. Яна бир америкалик Дюк Каханамок эса 100 метрга эркин усулда сузишда 1 дак 00, 4 сек натижа кўрсатиб жахон рекордини ўрнатди.

Футбол бўйича Белгия футболчилари олимпияда чемпиони бўлган бўлса, иккинчи ўринни испанлар, учинчи ўрин эса голяндияликларга насиб этди.

Биринчи маротаба олимпияда дастуридан ўрин олган шайбали хоккей бўйича Швейцария биринчи, Америкаликлар иккинчи ва Чехославакияликлар учинчи ўринни эгаллашдилар.

1.2.2. X – ёзги олимпиада ўйинлари

(Лос-Анжелес (АҚШ) 30 июль 14 август 1932 йил)

XTH OLYMPIAD
LOS ANGELES
1932



X олимпиада ўйинлари мезбони АҚШнинг Лос – Анжелес шаҳри жахон спорт байрами ҳар қачонгидан ҳам муваффақиятли ўтиши учун жуда катта тайёргарлик кўрдилар.

Лос-Анжелесда олимпия шаҳар тушунчаси ҳам ҳаётга тадбиқ этилди. Бу ерда спортчилар яшашлари учун йиғма 700 та уй ва жамоат марказидан иборат махсус олимпия шаҳарчаси ташкил этилди. 1932 йил 30 июлда “Колизей” стадионида олимпия ўйинларини 105 минг томошабинлар иштирокида очилди. Бунда 38 мамлакатдан 1408 спортчи, шу жумладан 127 нафар аёллар иштирок этди. Хитой ва Колумбия спортчилари биринчи бор бу олимпия ўйинларига ташриф буюрдилар.

Лос-Анжелесда мусобақалар бўйича 116 та олимпия рекорди ўрнатилди, уларнинг 21 таси жаҳон рекордидан юқори эди. Фақат аёллар 13 та олимпия, шу жумладан 7 та жаҳон рекорди ўрнатдилар. Енгил атлетикачилар Лос Анжелесда 54 та олимпия, шу жумладан 8 та жаҳон рекорди ўрнатдилар. Америкалик Эдди Таулон 100 ва 200 метрга югуришда қўш ғалабага эришди. 1000 метрга Поляк спортчиси Януш Кусочинский финларнинг жуда кучли спортчилари Волмари Исо – Холло ва Лаур Виртаненни орқада қолдириб мусобақа ғолиби бўлди. Найза улоқтириш бўйича Германия вакили Вейман 68 метр 18 сантиметрга улоқтириб олимпия рекордидан икки сантиметр юқори натижа кўрсатган бўлсада беш дақиқадан сўнг фин спортчиси Мати Ярвине найзани биринчи улоқтиришда 70 метрга, иккинчи голда 71,25 сантиметр, сўнг 72,71 сантиметр улоқтириб олимпия рекордини ўрнатди.

Енгил атлетика бўйича аёллар ўртасида мусобақаларда АҚШ спортчилари деярлик ҳамма олтин медаллар қўлга киритдилар. Фақат 100 метрга Полшалик Станислава Валисевич 11,8 секундга югриб жаҳон рекордини ўрнатди. Америкалик 18 ёшли Милред Дидриксон Лос – Анжелес Олимпиадасида 80 метрга тўсиқлар оша курашда ва найза лоқтиришда Олимпиада чемпиони бўлди.

Сузиш бўйича мусобақаларда 3 та жаҳон ва 36 та олимпиада рекорди ўрнатилди. Бунда Япон сузувчилари олтига олтин медалдан бештасини эгаси бўлдилар.

Холбуки бу жамоа жуда ёш спортчилардан яъни 100 метрга эркин сузиш усулида чемпион бўлган Ясуйи Миязани ун беш 1500 метрга сузишда ғолиб чиққан Кусуо Китакуда атига ун тўрт ёшда эди.

Бок бўйича мусобақаларда мезбонлар ўз устунликларини тўлиқ намоиш этишга муваффақ бўлдилар. Фақат Венгр Энекеш энг енгил вазнда бошқа мамлакатлар вакиллари орасида ягона олтин медалга сазовор бўлди.

Лос – Анжелес ўйинлари вақтида кўпгина янгиликларни жорий этишга эришилди, яъни мусобақа топшириш учун илк бор махсус фахрий шохсупа ўрнатилди. Шунингдек журналистлар Олимпиада мусобақалари тўғрисидаги

материаларини тайп орқали тахририятга тезлик билан узатиш имкониятига эга бўлди.

Ўнинчи олимпиада ўйинларида норасмий жамоа ҳисобида биринчи ўринни АҚШ спортчилари, иккинчи Франция ва учинчи ўринни Финдландия спортчилари эгаллашга муяссар бўлдилар.

1.2.3. XV- ёзги олимпиада ўйинлари (Хельсинки, 19 июль-3 август, 1952)



XIV ва XV ёзги олимпиа ўйинлари орасида халқаро олимпия ҳаракатида муҳим ўзгаришлар рўй берди. Халқаро Олимпия Қўмитасининг 1951-йил Венада бўлиб ўтган сессиясида собиқ Иттифоқ олимпия қўмитаси тан олди. ХОҚ ўзи бу давлат олимпия терма жамоасига 1948 йилги Олимпиада иштирок этишига рухсат бериш ниятида эди. Аммо тегишли расмийликлар ўз вақтида амалга ошира олмаганлиги сабабли бу давлат спортчиларига олимпиадачилар оиласига кўтаришни яна тўрт йил кутишга тўғри келди.

Халқаро Олимпия Қўмитасининг 1952- йили Хельсинкида бўлиб ўтган сессиясида бу халқаро спорт хамжамиятининг 82 ёшли президенти Юханне Зигфрид Эдстрем истеъфога чиқишини билдирди. Сессияда Америка Қўшма Штатларининг вакили Эйвери Брендеж Халқаро Олимпия Қўмитасининг бешинчи президенти этиб сайланди.

Аслида Хельсинки 1940 йилда олимпия ўйинлари мезбони бўлиши керак эди. Бунга иккинчи жаҳон уруши ҳалақит қилди. Шунинг учун ўн бешинчи ёзги олимпиадани ўтказиш шарафига давогарлик қиладиган Амстердам, Афина, Детроит, Миннеполис, Филадельфия, Чикаго, Лозанна, Стокгольм номзодлар орасида Финландия пойтахти танланганлиги адолатдан эди.

Олимпия ўйинлари тарихида биринчи марта Хельсинки умумжаҳон мусобақаларига 69 мамлакатдан 4925 спортчи шу жумладан 518 аёллар ташриф буюрди. Улар сафида илк бор Багам ороллари, Гана, Гватемала, Гонконг, Индонезия, Исроил, Нигерия, Нидерланд, Антал ороллари, ГФР,

Таиланд, Жанубий Ветнам қаторига собиқ Иттифоқ олимпия терма жамоалари аъзолари бор эди. Бу давлат номидан ўнта иттифоқдош республика, шу жумладан Ўзбекистон вакиллари жами 295 спортчи қатнашди.

Сузиш мусобақаларида Венгриялик аёллар еттита- тўртта олтин, иккита кумуш ва битта медал билан тақдирланган бўлса, эркеклар ўртасида беллешувларда америкаликлар олтита- 3 олтин нишон соҳиби бўлдилар.

Венгрия футболчилари олимпиада жамоалари ўртасида энг кучли эканлигини ишонарли тарзда исботлаб олтин медал эгаси бўлди. Иккинчи ўрин Югославакия, учинчи ўрин Швеция футболчиларига насиб этди.

АҚШ ва Собиқ Иттифоқ олимпиадачилари норасмий жамоа ҳисобида бир хил - 494 очко тўплади. АҚШ ҳисобида жами 76- та (40 та олтин, 19 та кумуш ва 17 та бронза) муаллифи бор эди. Собиқ иттифоқчилари 71 та (22 та олтин, 30 та кумуш ва 19 та бронза) муаллифларини қўлга киритдилар. 259,5 очко ва 42 та (16та олтин, 10та кумуш ва 16та бронза) медал билан Венгрия олимпиадачилари учинчи ўринни олди.

1.2.4. XVI-ёзги олимпиада ўйинлари (Мельбрун, 22-ноябрь-8-декабрь, 1956)



ХОҚ нинг 1949 йилги сессияда XVI Олимпиадани ўтказиш шарафи Мельбрунга ишониб топширилганда бу қарорнинг оддиллигига шубҳа билдирганлар ҳам кам эмасди. Буни сабабларидан бири Австралиянинг жуда олисда бўлганлиги, иккинчидан Мельбрунда ХОҚ талаблари асосида олимпиа ўйинларини тантанали очиш ва ёпиш маросимлари ўтказадиган стадион йўқлиги эди. Бундан ташқари, Австралиянинг амалдаги қонунларига мувофиқ бу мамлакатда олти ойлик карантин муддатсиз ҳайвонларни олиб кириш тақиқланиши сабабли от спорти мусобақалари қандай ўтказиш маълум эмас эди. Шу туфайли кўпчилик асосли равишда нима учун ҳалқаро Олимпиа Кўмитаси Ўйинлар пойтахти

бўлишга давогарлик қилган Буэнос-Айрес, Детрой, Лос-Анжелес, Миннеаполис, Сан-Франсиско, Филадельфия, Чикаго, Мехико, Монреални эмас, балки бу узоқ қитъадаги шаҳарни танланганига хайрон бўларди.

ХОҚ нинг олимпия ўйинлари барча қитъаларда бўлиб ўтишга ҳаракат қилаётганлиги тушунарли эди.

Мельбрун Олимпиадасини ўтказишда кейинроқ кейинроқ маълум бўлишича юқорида қайд этилган муаммолар асосий масалалар эмас, балки бевосита ўйинлар арафасида Венгрия, Миср ва Тайван билан боғлиқ воқеалар жиддий муаммолар туғдирди.

1956- йил ноябрида Венгрияда бошланган аксил шўро исёнини бостириш учун собиқ шўро қўшинлари бу мамлакатга киритилди. 5- ноябрда Будапешт радиоси шаҳардаги жангларда бошқалар қатори учун бешинчи олимпиада чемпионлари, енгил атлетикачи Йозеф Чермак, бешкурашчи Габор Бендчук ва футбол бўйича мамлакат терма жамоасининг сардори Ферени Пушкаш ҳалок бўлганлигини маълум қилди. Венгриядаги бу воқеалар муносабати билан Голландия, Испания ва Швеция Мельбрун Олимпиадасидан иштирок этишидан бош тортди.

1.2.5. XVII ёзги Олимпиада ўйинлари (Рим, 25 август 11 сентябр, 1960 й)



Римда ўтказилган XVII Олимпиада ўйинларига таъриф берилганда, энг аввало, унинг аъло даражада этилганлиги таъкидланади. Ҳақиқатдан ҳам Ҳалқаро Олимпиада Қўмитаси Жаҳон спорт байрамини ўтказиш учун 17 давогар шаҳар орасида Италия пойтахти бежиз танланганлиги спортчилар ҳам, кўп сонли меҳмонлар ҳам яқдил эътироф этишди.

Рим Олимпиадасида яъни Аппенин ярим оролига 84 давлатдан 5348 спортчи шу жумладан 610 нафар аёллар таъриф буюрди. Вест-Инд

федерацияси, Марокаш, Бирлашган Араб Республикаси, Сан Марино, Судан, Сурия спортчилари учун бу улар иштирок этаётган биринчи ўйинлар эди.


Бу Олимпиадада 76 та Олимпия, шу жумладан 30та жахон рекорди ўрнатилди. Енгил атлетика бўйича қисқа масофаларга югуриш мусобақаларида Америка Қўшма Штатлари қора танли спортчиси Вильма Рудолф аёллар ўртасида 100 ва 200 метрга югуришда ҳамда 4 x 100 метрга эстафетада янги янги рекордлар ўрнатди. У оилада 22 фарзанднинг йигирманчиси бундан ташқари ёшлигида полиолит оғир хасталигига дучор бўлган спорт билан шуғулланиб соғлом бўлиш билан бирга спортда ютуқлари билан жуда машғул бўлиб кетди.

Римда Германия Бирлашган жамоасидан А.Харига 100 метрга, Италиялик Л.Беруттига 200 метрга югуришда немис спортчиларни “тахтлардан тушириш” учун жахон рекордларини ўрнатишларига тўғри келди. Эфиопиялик Абебе Бикиланг марафондаги мисилсиз ғолиблари ҳам инсон иродаси ва чексиз имкониятларининг яна бир намунаси бўла олади. Унинг Римдаги Олимпия ўйинларида югуришга яланг оёқ чиққанлигини ўзи ҳаммани хайратга солган эди. Энг муҳими у ўз қитъаси вакиллари орасида биринчи бўлиб марафонда Олимпиада чемпиони сифатида минглаб африкаликлар учун намуна вазифасини ҳам ўтади. У 1964 йилги ўйинларда 2 соат 12 дақиқада 11,2 секунд натижада кўрсатиб, жахон рекордини 3 дақиқага қисқартирди.

Италия пойтахти бокс ихлосмандларига Мухаммад Алини ҳам тан олди . У Рим Олимпиадасида Кассиус Клей номи билан (у исломни қабул қилгач Мухаммад Али номини олди) 81 кг гача вазинга эга “чарим қўлқоп” ўртасида ғолиб чиқди. АҚШ лик спортчи шундан сўнг 1964-1974 йилларда профессионал боксда оғир вазнлар ўртасида кўп марта жахон чемпиони камарини таққан. Бу даврда у профессионал рингда 56 та жанг ўтказиб 51 тасида (37тасида накаут билан) ғалаба қозонган. Ўн еттинчи Олимпия ўйинлари Ўзбекистон енгил атлетика мактабининг тарбияланувчилари билан

бўлган, Самарқандлик Тамара ва Ирина Пресслар учун ҳам омадли келди. Тамара Пресс ядро улоқтиришдан 17 метр 32сантиметр натижа билан Рим фахрий шохсупасининг энг тўрига кўтарилди. У бу олтин медал билан чекланмасдан дискни 52 метр 59см га улоқтириб, кумуш медал билан ҳам тақдирланди.

1.2.6. XVIII ёзги Олимпиада ўйинлари (Токио 10-24 октябр 1964 йил)



Токио 1940 йилдаёқ Олимпиада ўйинлар пойтахти бўлиши мумкин эди. Бироқ иккинчи жаҳон уруши бошланиб кетган анашу таҳлика вақтида Япония ҳукумати Ҳалқаро Олимпия Қумитаси билдирган бу шарафдан воз кечди. Урушнинг ўз учун аянчли яқунларига қарамасдан яна оёққа туриб, жадал ривожланиш йўлига тушиб олган Япония мамлакати салоҳиятини бутун жаҳонга намоиш этиш мақсадида XVIII Олимпиадани ҳар қачонгидан ҳам юксак савияда ўтказишга астойдил тайёргарлик кўрди. Ҳар бир япон фуқароси тор маънода жаҳон спорт байрамининг муносиб мезбони бўлишини ўзининг муқаддас бурчи деб ҳисоблади.

Япония Олимпия ўйинларигатайёргарлик кўриш учун оз эмас, кўп эмас икки миллиард АҚШ доллари сарифланди. Лекин бу ўзини тўла оқлади. Амалга оширилган ишлар биргина Олимпиаданинг муваффақиятли ўтишини таъминлабгина қолмасдан Токио қиёфасини тубдан ўзгартириб юборди, бунёд этилган кўпдан кўп иншоотлар пировард натижасида улкан шаҳар аҳолиси учун хизмат қилди. Олимпиаданинг 1964 йил 10 октябр куни бўлиб ўтган тантанали очиш маросими улуғворлиги ва тантанаворлиги, рангбаранглиги, чуқур мазмун ва юксак бадиийлиги билан спорт ихлосмандларини ҳам, уларни телевидения орқали томоша қилган бутун дунёдаги бир неча миллиард кишиларни ҳам ларзага солди. Айниқса, Япония императори Хирохито ўйинларни очик деб эълон қилгандан сўнг еярли

хнчкимга номаълум университет талабаси Иосинари Сакаининг стадиондаги 163 поғонали зинапоядан кўтарилиб, Олимпиа машаласини ёқиши жуа таъсирчан чикди. Иосинари Японияга Атом бомбаси ташланган 1945 йилда таваллуд топган эди. Олимпиа машаласини ёқиш шарафини бу талабага бериш билан ташкилотчилар ҳаёт барқарорлиги олимпиа ғоялари абадийлигига алоҳида урғу бермоқчи бўлганликлари тушунарлидир.

Ўн саккизинчи Олимпиадада биринчи марта 94 мамлакатдан 5140 спортчи, шу жумладан, 683 аёл ҳозир бўлди. Ёзги ўйинлар мусобақаларида илк бор 14 янги давлат олимпиадачилари иштирок этдилар.

Токио Олимпиадасининг спорт натижалари ҳам жуда юқори эди. Бу ерда 81 та олимпия ва 32 та жаҳон рекорди ўрнатилди. Олимпиадачилар умуман 19 спорт тури бўйича 163 медаллар жамланмаси учун кураш олиб бордилар. Сузиш ҳавзаларида Америка Қўшма Штатларидан 18 ёшли Дон Шолландер тўртта олтин медал соҳиби бўлиши билан бирга иккита жаҳон рекордини янгилади. У 100 ва 400 метрга эркин усулда сузишда шу вақтгача жаҳонда ҳеч ким эриша олмаган тезликни кўрсатди.

Маррада уларни бир-биридан атига 2.2 сония ажратади. Бу фарқ Светлана Бабаевага Олимпиаданинг бронза медалини (2.48,6 дан) келтирди. У 4x100 метрга аралаш усулида сузиш эстафеталарида яна бир тошкентлик “Меҳнат заҳиралари” кўнгилли спорт жамиятидан Нотьяни Устинова ҳамда россиялик Татьяна Савельева билан биргаликда қатнашиб, маррага учинчи бўлиб етиб келишди. Шу тариқа Светлана Бабанова Токио Олимпиадасининг иккита бронза Наталья Устинова эса битта бронза медалларга сазовар бўлдилар.

Ўзбекистонлик яна бир машҳур спортчи Қуролли Кучлар спорт гимнастикаси бўйича жамоа биринчилигида Ўн саккизинчи олимпия ўйинларининг кумуш медал совриндори бўлди. У Токиода украинлик кўп марта Олимпиада чемпионлари Борис Шахлин ва Юрий Титов ҳамда россиялик Виктор Лициский, Виктор Леонтьев ва Юрий Цапенко билан фахрий шохсупанинг иккинчи поғонасига кўтарилди. Сергей Диомидов

кўпкураш бўйича шахсий биринчиликда 114,2 балл тўплаб ўн тўртинчи ўринни олди. Гимнастикачи ўзининг энг сеvimли снаряди –брусъяда 192,25 балл билан тўртинчи ўринни олишга эришди.

1.2.7. XIX-ёзги олимпиада ўйинлари (Мехико, 12-27 октябрь, 1968- йил)



Лотин Америкасида биринчи бўлиб Мехикога ёзги Ўйинлар пойтахти бўлиш шарафи берилганда Халқаро Олимпия Қумитасининг бу қарори, оддий қилиб айтганда, кўпчиликни таажублантирган эди. Энг аввало, Мексика ҳукуматининг Олимпиада мусобақаларининг талаб даражасида ўтказишни таъминлаш учун зарур спорт иншоотлари, бошқа инфратузумлар барпо эта олиш учун имкониятишубҳа остига қўйди. Мехиконинг денгиз сатхидан 2240 метр баландликда жойлашганлиги эса спортчиларни мурасасиз ўтадиган беллешувларга тайёрлаш бўйича тажрибаданўтган усулларга жидий ўзгартиришлар киритиш, бунга олимлар, айниқса физиологлар, психологлар, спорт тиббиёт амалиётчиларини жалб этишни талаб этарди.

Бундан ташқари Олимпиада очилишидан атига ўн кун аввал, Мехико кўчалари “Беньбенидос!”-“Хуш келибсиз” шиорлари билан безалган бир пайтда бу ердаги олий ўқув ютлари талабалари, ўқувчилари, касаба уюшмалари фаоллари ҳукуматга қарши оммавий чиқишларни бошлаб юбордилар. Мехикода бўлиб ўтган 10минг кишилиқ митингда ҳукуматни ағдариб ташлаш даъватлар ҳам эшитилди.ҳукумат муҳолифатга қарши ҳарбийлар ва полицияларни ташлади. Муҳолифат қаршилигини ҳарбий куч билан синдирган Мексика Президенти Диас Ордес ҳаммани тинчлантириб: энди Олимпиадани ўтказишга ҳеч ким ва ҳеч нарса ҳалақит бера олмайди-деган баён билан чиқди.

Ана шу зиддиятларга қарамасдан Мехико Олимпиадаси қўллаш ва спорт натижаларига кўра аввалгиларидан ижобий жихатлар билан ёдда

колди. Мексика пойтахтидаги ХОҚ олимпиада ўйинларини очиш маросими 1968- йил 12- октябрда бўлиб ўтди. Бу сана бежиз танланмаган эди. 1492-йил 12- октябрь Христофор Колумбнинг Америка қитъасига биринчи бор қадам қўйган куни хисобланади. Мексика пойтахтига 112 мамлакатдан 5531 спортчи, шу жумладан, 781 аёл ташриф буюрди. Ўйинларнинг тантанали очилиш маросимида, ҳам ёзги Олимпиадалар тарихида илк бор “Эстадио Олимпико” стадионидаги машъалани шарафи аёлга – енгил атлетика бўйича мамлакат чемпиони 20 ёшли Энрикетти Басило Сотелога насиб этди.

Америка Қўшма Штатининг Техас штатидаги Эль-Пас университетининг 22 ёшли талабаси Боб (асл исми Роберт) енгил атлетика тури узунликка сакраш бўйича мисли қўрилмаган натижа – 8 метр 90 сантиметрга сакраб жаҳон рекордини бир йўла 55 сантиметрга узайтиришга муваффақ бўлди.

Америка Қўшма Штатлари спортчисининг бу рекорди шундан сўнг деярли чорак аср давомида 1991- йилга қадар ўзгармасдан турди. АҚШ яна бир енгил атлетикаси Ричард Фоеберинг баландликка сакраш бўйича -2 метр 24 сантиметрга чалқанча сакраш усули билан спортчининг бу турида ҳеч муҳолағасиз ўзига ҳос ўзгариш ясади.

Ўн тўққизинчи олимпиада ўйинларида Собик Иттифоқ енгил атлетикачиси Сухумилик Виктор Санаев бу ерда уч ҳатлиб сакрашда 17 метр 39 сантиметр кўрсаткичи билан янги жаҳон рекордини ўрнатди. Санаетев бундан кейинги 1972 ва 1976 йиллардаги олимпиада ўйинлар чемпиони бу учта олтин медал ёнига 1980 йилги Москва Олимпиадасининг кумуш медали ҳам қўшилди.

Америкалик Альфред Ортер эса диск улоқтириш бўйича олтин медални қўлга киритди. Бу диск улоқтирувчи 1956, 1960, 1964 йиллардаги Олимпиадаларда чемпион бўлди. Мексика пойтахтида ҳам Олимпиада рекордини ўрнатишга эришди.

Чехословакиялик гимнастикачи Вера Часловская эса Мехико Олимпиадасининг ўзида нафақат тўртта олтин, балки бунга қўшимча яна

иккита кумуш медаллари билан ҳам тақдирланди. Агар унинг аввалги ўйинлардаги учта олтин ва битта кумуш медали ҳам қўшиб ҳисобланса, Вера Чаславскаянинг спорт жасорати тегишли баҳосини олади.

Асли Қорақалпоғистоннинг Тўрткўл туманидан бўлган Сергей Диомидов спорт гимнастикаси билан 13 ёшидан бошлаб шуғулланган. Сергей Диомидов спорт гимнастикаси бўйича жаҳон чемпиони ҳам эди. Унинг бетакрор бошқа гимнастикачилар бажаришнинг уддасидан чиқа олмаган машқлари спорт ихлосмандларини лол қолдирарди.

Ўзбекистонлик яна бир спортчи Вера Дуюнова (Галушка) валејбол бўйича терма жамоа аъзолари билан бирга ўн тўққизинчи олимпиада ўйинларининг чемпиони бўлди. У 1972-йилги Олимпиадада ҳам жамоадош дугоналари билан фахрли шохсупанинг энг юқорисига кўтарила олди ва икки карра Олимпиада чемпиони фахрий унвонига сазовор бўлди.

1.3. XX- XXVIII ёзги олимпиада ўйинлари ва унда давлат иштироки

1.3.1. XX-ёзги олимпиада ўйинлари

(Мюнхен, 26-август – 11- сентябрь, 1972 йил)



Ўн икки йиллик танаффусдан сўнг ёзги олимпиада ўйинларига мезбонлик қилиш шарафи Европа шаҳри – Мюнхенга берилди. 1972-йил 26-август - 11-сентябрь кунлари бўлиб ўтди. Йигирманчи олимпиадада 121 давлатдан 7147 спортчи шу жумладан, 1070 аёл иштирок этди. Жаҳон Спортчи Хамжамияти биринчи бор олимпия ўйинларида иштирок этиш таклифини олган Албания, Юқори Вольта, Габон, Корея Халқ Демократик Республикаси, Лесота, Саудия Арабистон, Того, Дагомен, Малави, Свазилен, Родезия ҳисобига янада кенгайди.

Шу йили бўлиб ўтган Ҳалқаро Олимпия Қўмитасининг сессиясида ХОҚ Президенти Э.Брендеж истеъфога чиқди. Сессияда Ҳалқаро Олимпия Қўмитасининг Президенти этиб Лорд Майк Моррис Килланнин сайланди.

Мюнхен олимпиадасида спортчилар 195, аввалги ўйинлардан 23 та кўп медаллар жамламаси учун кураш олиб бордилар. Мусобақалар дастурига киритилган спорт турларидан ташқари бадминтон ва сув чанғиси бўйича кўргазмали беллешувлар ҳам ўтказилди.

Йигирманчи олимпиа ўйинларида спортчилар кўрсатган натижаларни 0,01 секунд аниқлик билан ўлчайдиган электрон асбоблардан фойдаланди. Ўйинларни тантанали очилиш ва ёпилиши, шунингдек, бевосита спорт мусобақаларни кураи заминимиздаги 1 миллион томошабин телеведения орқали куриш имкониятига эга бўлди.

Ўйинлар тарихида дастлабки марта спортчилар номидан аёл- ГФР етакчи енгил атлетикачилардан бири Кельн университети талабаси Хайди Шюллер қасамёд қилди.

Йигирманчи Олимпиадада сузувчлар ҳаммани лол қолдирган. Улар 23 та жаҳон рекордини ўрнатдилар ҳаммадан ҳам Америка Қўма Штатларидан Марк Спитц ақл бовар қилиши қийин бўлган натижалар кўрсатди. У 100 ва 200 метрга эркин ва батерфлай усулларда сузишда ҳамда жамоадошлари билан 4x100 ва 4x200 метргп эркин ҳамда 4x100 метрга аралаш усулларда эстафетада ғолиб чиқиб бир Олимпия ўйинларида етита олтин медални қўлга киритди.

Бу бутун Олимпиадалар тарихида энг юксак кўрсаткич ҳисобланади ва шу пайитгача ҳечким уни ўзгартира олгани йўқ. Агар Марк Спитцининг бундан тўрт йил илгариги Олимпиадада ҳам 4x 100 ва 4x200 метрга эркин усулда эстафетада икки олтин ҳамда 100 метрга батерфлай усулида сузишда кумуш, шу масофага эркин усулда сузишда бронза медали сохиби эканлигини ҳисобга олинадиган бўлса, Америкалик сузувчининг спорт шухрати қанчалар беқиёслигини билиш мумкин.

Ўзбекистонлик Олимпиадачилар Мюнхенда тўртда медални қўлга киритдилар. Тошкентлик Вера Дуюнова волейболчи жамоадош дугоналари билан Мюнхенда бундан тўрт йил илгари Мехикодаги зафарларини такрорлашлари учун ўта қийин хаяжонли, айни пайтда чиройли финал учрашувда жуда кучли Япония спортчиларини 3:2 ҳисобида мағлубиятга учратишга муваффақ бўлдилар. Вера Ўзбекистонга икки карра Олимпиада чемпиони сифатида қайтиб келган бўлса Алжан Жармухаммедов баскетбол бўйича терма жамоа таркибида Мюнхенда фахрий шохсупа поғонасига дастлабки марта еўтарилди. Бу ғалаба Ўзбекистонлик спортчи учунгина эмас, балки барча баскетбол ўйини мухлислари учун унутилмас тарих бўлиб қолган.

Мюнхен олимпиясида яна бир Ўзбекистонлик, Тошкент давлат университети талабаси Тошкентнинг “Динамо” жамиятидан Эльвир Саади аёллар ўртасида спорт гимнастикаси бўйича терма жамоа таркибида олимпиада чемпиони бўлди. У жамоадошлари Россиялик Людмила Туришчева ва Любовь Бурда, Беларусиялик Ольга Корбут, Тамара Лазакевис ва Антонино Кошель билан бирга олтин медалларга меносиб топилди. Элвира Садди кўпкураш бўйича шахсий биринчиликда 75,075 балл тўплаб саккизинчи ўринни олди.

Мюнхен олимпиадасида ҳам ўн саккизинчи баҳорни ҳам нишонламаган Ольга Корбут учта олтин медални қўлга киритиб, мисли кўрилмаган нафис сакрашлари ва юксак маҳорати учун “кокилли мўъжиза” таърифини олди.

Эркин кураш беллашувларида эса Александр Медведь олимпия ўйинларида учинчи олтин медални олди. Спортни бу турида ҳеч ким унинг натижасига эриша олмаган.

Украиналик Валерий Борзов эса 100 ва 200 метрга югуришда олимпия чемпиони бўлди.

Рустам Казаков Ўзбекистонлик спортчилар ўртасида йигирманчи олимпиада ўйинлари тўртинчи олтин медалининг соҳибидир. У 1969 – 1973 йилларда Юнун рум кураши бўйича жаҳон биринчиликларида олтин, кумуш

ва бронза медаллари билан тақдирланган. Яна бир Самарқандлик боксчи Николай Анфимов 81 кг вазинли рақиблари- Болгариялик Георгий Станков, Мисирлик Азмет Махмуд Аминни мағлубиятга учратиб, бироқ Нигериялик боксчи Исаак Инкхурияга 3:2 ҳисоб билан ютқазиб, у бешинчи ўрин билан кифояланди.

1972 йилги Олимпия ўйинларида Тошкентлик Мамажон Исмоилов от спортининг уч кураш Термизлик Александр Юдинг эса велосипед спорти бўйича мусобақаларда иштирок этди.

Футбол бўйича олимпия турнирида бир неча бор ғалаба, Венгрия жамоаси бу сафар иккинчи ўрин, Полша футболчилари олтин медални, учинчи ўринлар эса ГДР ва Собиқ Иттифоқ футболчиларига насиб этди.

Собиқ Иттифоқ олимпиадачилари Мюнхенда элликта олтин медални қўлга киритиб, норасмий умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни, АҚШ жамоаси иккинчи, германия Демократик Республикаси учинчи ўринни эгаллади.

1.3.2. XXI-ёзги олимпиада ўйинлари (Монреал, 17 июль – 1 август, 1976 йил)

Монреал Олимпиадасида 88 давлатдан 6189 спортчи, шу жумладан 1274



аёл иштирок этди. Шундай бўлсада унинг спорт натижалари юқори бўлди: бу ерда 82 та олимпия, шу жумладан 34 та жаҳон рекорди ўрнатилди. Ўйинлар дастуридан ўрин олгин спортнинг бир қатор турларидан собиқ Иттифоқ вакиллари

Montréal 1976 устунликларини тўла намоиш этдилр. Жумладан, улар юнон-рум ва эркин кураш бўйича жами 20 та олтин медалнинг 12 тасини қўлга киритдилар. Оғир атлетикада ҳам собиқ Иттифоқ спортчилари фахрий шохсупа энг тўрига кўтарилди.

Саратовлик Татьяна Казанкинага 800 ва 1500 метр масофаларга югуришда бас келадигани топилмади. у кейинги ўйинларда 1500 метрга югуришда ҳам ҳолиб чиқиб, уч карра Олимпиада чемпиони бўлди.

Монреалда аёллар ўртасида спорт гимнастикасида руминиялик 15 ёшли Науя Комэнэч ҳеч муболағасиз мисли кўрилмаган машқлари билан ҳаммани лол қолдирди. У мутлоқ биринчиликни алоҳида биринчиликларда уч карра олимпиада чемпиони бўлиши билан бир қаторда спорт гимнастикаси бўйича битта мусобақада беш марта ҳакамларнинг олий 10 балл баҳосини олди. Бу натижа халигача бирор гимнастикачи томонидан такрорлай олингани йўқ.

Россиянинг Владимир шахридан Николай Андрианов олимпиа ўйинларида эришган зафарлари руминиялик гимнастикачиларидан қолишмади. У 1972 йилги ёзги Олимпиада ўйинларида уч олтин, кумуш ва бронза медаллари соҳиби бўлган эди. Канадада эса у бир йўла тўртта олтин нишонни мутлақ биринчиликда ҳамда алоҳида машқларда қўлга киритди. 1980 йилги Олимпиадада уларга иккита олтин ва битта кумуш медал қўшилиб, Николай Андрианов жами 15 та – 7та олтин, 5 та кумуш ва 3 та бронза медали эгаси бўлди.

Ўзбекистонлик Эльвира Саади спорт гимнастикаси бўйича аёллар терма жамоаси таркибида Монреалда иккинчи бор Олимпиада чемпиони бўлди. У шунингдек, спорт гимнастикаси бўйича 1974 йилги жаҳон чемпиони ҳам ҳисобланади.

Бокс бўйича олимпиа турнирида Тошкентлик Руфкат Рисқиев жамоадошлари ўртасида энг яхши натижага эришди- кумуш медал соҳиби бўлди. Канада рингида 75 килограмм вазнли боксчилар билан “жанг”га киришган Руфат биринчи уярашувда ўзининг машҳур зарбаси билан финляндиялик Тайпалени иккинчи раундаёқ нокаут қилди. Иккинчи “жанг”да болгариялик Илиан Демитров ҳам ўзбек боксчиси зарбалари кучини тўла ҳис этди. У икки бор нокаундан бўлиб, мағлубиятни тан олди. Руфат шундан сўнг Сирай Динни ҳам иккинчи раундда нокаут қилди.

“Пахтакор” ҳужумчиси Владимир Фёдоров Канада олимпиада терма жамоаси таркибида майдонга тушди. У жамоадорларининг Канада (2:1), Корея Халқ Демократик Республикаси (3:0), эрон (2:1) футболчилари устидан ғалаба қозонишга муносиб ҳисса қўшди. Аммо терма жамоа футболчилари ярим финалда ГДР жамоасига 1:2 ҳисобида ютқазиб қўйди. Учинчи ўрин учун бўлиб ўтган ўйинда эса улар бразилия устидан 2:0 ҳисобида ғалаба қозониб, бронза медаллари билан тақдирландилар. Жамоадорлар каби Владимир Фёдоров ҳам олимпиада ўйинлари бронза медали совриндори бўлди.

1.3.3. XXII- ёзги Олимпиада ўйинлари

(Москва, 19-июль - 3 август, 1980)

Халқаро Олимпиада Қўмитаси қатъият кўрсатмаганда XXII Олимпиада ўйинлари барбод бўлиши мумкин эди. Чунки Америка Қўшма Штатлари 1979 йилда Собиқ Шўро ҳарбий қўшинларининг Афғонистонга киритилиши муносабати билан Москва Олимпиадасини байкот қилишга чақирди.



“Совуқ уруш” жазаваси авжига чиққан шундай сиёсий танглик вазиятида ХОҚ олимпиада ўйинлари пойтахти танлаш бўйича ўз қарорларини ўзгартирмаслигини қатъий баён этди. Халқаро Олимпиада Қўмитасининг 1980 йил июнь ойида бўлиб ўтган 83 сессиясида, шунингдек ташкилий масала ҳам кўрилди. 1960 йили Хуан Антонио Самарани ХОҚ нинг еттинчи президенти этиб сайланди.

Москва Олимпиадасида мамлакатдан жами 5748 спортчи шу жумлада, 1124 нафари аёлларни ташкил этди. Олимпиада ўйинларидаги мусобақаларда 76 та олимпиада, шу жумладан 36 та жаҳон рекорди ўрнатилди.

Ўзбекистонлик велосипедчи Алексадр Панфилов жойидан туриб 1000метрга читда 1дақиқа 04,845секунд натижа кўрсатиб иккинчи ўринни олишга муяссар бўлди.

Йигирман иккинчи олимпиа ўйинларида терма жамолари таркибидаги 16 нафар ўзбекистонлик спортчилар киритилган эди. Улар тўртта олитн, бешта кумуш ва тўртта бронза медални қўлга киритдилар. Жумладан. Эркин Шагаев сув топи, Тошкентнинг “Автомобилий” жамоаси ўйинчиси Лариса Павлова волейбол, Ольга Зубарева эса қўл тўпи бўйича терма жамоа сафида Олимпиада чемпионлари бўлдилар. Сув полоси бўйича хизмат кўрстган спорт устаси Эркин Шагаев 1982 йилги жаҳон, 1981 йилги Европа чемпиони, 1981-1983 йилги жаҳон кубоги соҳибидир.

Москва Олимпиадасида ўзбекистонлик спортчилардан Тошкент “Спартак” кунгилли спорт жамият аъзоси Юрий Ковшев, беларус Виктор Урямов, украиналик Вера Милевич билан бирга от спорти бўйича жамоа биринчилигида олтин медал билан тақдирланди. У шахсий биринчиликда эса 1588 очко билан фахрий шоҳсупанинг иккинчи поғонасига кўтарилди.

Ўзбекистонлик Наталья Бутузова камондан отиш мусобақасида Олимпиаданинг кумуш совриндори бўлди.

Олимпиада ўйинлари дастурига киритилган чим устида хоккейда терм жамоа таркибига киритилган андижонлик қизлар Лейла Амерова, Нелли Горбатикова, Валентини Заздравних ва Алина Хон олимпиа турнирида учинчи ўринни олиб, бронза медаллари билан тадирланди.

Тошкентнинг 175- мактабида таҳсил олган, жисмоний тарбия институти талабаси йигирма иккинчи олимпия ўйинлари арафасида найзасини 70метр 8 сантиметрга улоқтириб, жаҳон рекордини ўрнатган эди. Лекин олимпиа мусобақалирида 65метр 8 сантиметр натижа билан олтинчи ўринда қолди.

Собиқ Иттифоқ гимнастикачиси Александр Дитятин юксак маҳорати эвазига йигирма иккинчи олимпия ўйинларида саккизта- 3 та олтин, 4 та кумуш ва битта бронза медал олишга сазовар бўлди.

Ўзбекистонлик енгил атлетикачилар Анатоний Димов, Замира Заицова, Александр Хасановлар совринлар сафидан жой олиш насиб этмади.

Собиқ Иттифок жамоасидан сузувчи Владимир Сальников Москва Олимпиадасида эркин усулда сузишда 1500 метр масофани босиб ўтиш учун жаҳонга биринчи бўлиб 15 дақиқадан кам вақт сарифлади. Эртасига 200 метрга эстафетда жамаодошлари билан ғолиб чиқди. Яна бир кундан сўнг эса 400 метрга сузишда ҳам маррага биринчи бўлиб етиб келди. Уч кунда учта олтин медал олиб Москва олимпиадаси қаҳрмонлари сафидан ўрин олди.

1.3.4. XXIII – ёзги олимпиада ўйинлари (Лос – Анжелес, 20 июль – 12 август, 1984)



Америка Қўшма Штатларининг Лос Анжелес шаҳрида 1984 йил 28 июльдан 12 августгача бўлиб ўтган XXIII ёзги олимпия ўйинларида 6797 спортчи шу жумладан, 1567, аёл иштирок этди.

Йигирма учинчи олимпия ўйинлари мусобақалари дастурига киритилган спорт турларининг кўпчилигида Америка Қўшма Штатларнинг вакиллари ғалаба қозондилар.

Лос – Анжелес Олимпиадаси фавқулодда истеъдодли спортчилар кашф этди. Улар орасида Америка Қўшма Штатларнинг Карлтон Льюис алоҳида ўрин тутди. У Лос – Анжелесда енгил атлетика бўйича мусобақаларда тўртта олтин медални қўлга китритди.

Карлтон Льюис 100 метрга югуришда 9,99 секунд – 19,8 секунд натижа билан ғолибликни қўлга киритган бўлса, ўзунликка сакрашда кўрсаткичи 8 метр 54 сантиметрни ташкил қилди. У ўз ватанидаги ўйинлардан кейинги ян учта олимпиадада ҳам иштирок этиб, уларнинг ҳар бирида ғолиблик шохсупасига кўтарилди. 1988 йили у 100 метрга югуриш ва узунликка сакрашда олтин, 200 метрга югуришда кумуш медал сохиби бўлди. Шу

билан бирга 100 метрга югуришда 9,92 секунд узунликка сакрашда 8метр 72сантиметр яни Лос – Анжелесдан яхшироқ натижа кўрсата олди. Карлтон Льюси 1996 йили ўйинларда ҳам узунликка сакрашда биринчи ўринни эгаллаб тўққиз карра Олимпиада чемпиони бўлди. Карлтон Льюис айти пайтда еттикарра жаҳон, 10 мартта жаҳон рекордини ўрнатган спортчи ҳисоблнди.

Яна бир америкалик спортчи Валер Бриско – Хуке аёллар ўртасид 200 ва 400 метрга югуриш ҳамда 4 х 400 метрга эстафетдаги ғолиби учун учта олтин медал билан тақдирланди.

1.3.5. XXIV – ёзги олимпиада ўйинлари (Сеул, 17 сентябрь – 2 октябрь, 1988)



Корея Республикаси ёзги олимпия ўйинлари мезбонлигини ўз пойтахтини номзодини кўрсатар экан, жаҳон спортини бу байрами Осиёдаги кўшниси нуфузини янада юксакликка кўтарганлиги, иқтисодий ривожланишни жадаллаштиришга ижобий таъсирини ҳисобга олган эди. Чунки Корея аҳолиси 1964 йилда Токиода ўтказилган ўйинлар Японияга қанчалар бебаҳо наф келтирган бўлса, Сеулдаги XXIV олимпиадаси ҳам уларнинг мамлакатларига фойдали бўлишидан умидвор эдилар. Аслини олганда жанубий Корея Ҳалқаро олимпия Қўмитаси Сеул фойдсига қарор чиқаришга тўла – туқис ишонмас эдилар.

Кўпинча бўлганидек ХОҚ кутилмаганда Жанубий номзодини ёқлаб чиқди. Сеул эса Ҳалқаро Олимпия Қўмитасининг бундай қўллаб – қувватлашига таяниб, олимпия ўйинларини энг юксак даражада ўтказиш учун мисли кўрилмаган саъй – ҳаракатларни бошлаб юборди. Олимпиадада ҳеч бир муболағасиз ҳар бир жанубий Кореяликларнинг шон – шарафи, фахри ва ғурурига айланди. Ўйинларни ўтказиш учун 3 миллиард АҚШ доллари сарфлашдан ташқари энг аввало, мамлакат аҳолининг олимпиадани

ўтказиш вақтида ўзини қандай тутиш лозимлиги тўғрисида жуда мукаммал дастур ишлаб чиқди. Ўйин бошлангунга қадар етти йил давомида мамлакатдаги барча кинотеатрларда филмлар намойиш этиши олдидадан анашу тартиб қоидалар батафсил баён қилинган реклама ролиги кўрсатилиши шарт қилиб қўйилди. Жанубий Кореяликлар бу даврда тор маънода телевидения ва радио орқали ҳеч бир истисносиз узлуксиз бериб бориладиган “Табассум қилинг”, “Хушмуомала бўлинг!”, “Йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилинг!”, “Озодалиқни сақланг!”, “Инглиз тилини ўрганинг!” каби сўзлар билан ўйқуга кетиб, шу сўзлар билан уйғонардилар.

Корея Республикаси пойтахтида энг замонавий спорт иншоотлари барпо этилди. Биргина олимпия қишлоғида 122 та олти қаватлидан йигирма иўрт қаватлигача кўркам бинолар барпо этилди. Амалда бу қишлоқ иккита-спортчилар, уларнинг мураббийлари, расмий шахслар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимларига мўлжалланган турар жойлар, шунингдек, тиббий муассасалари, маданий марказ ва бошқа ижтимоий кўнгилочар бинолар ташкил топган эди.

1.3.6. XXV-ёзги олимпиада ўйинлари (Барселона, 25июль – 9август, 1992)



Халқаро Олимпия Қўмитаси Президенти Хуан Антонио Самарачнинг она шаҳри Барселонада XXV олимпия ўйинлари 1992 йил 25 июль 9 август кунлари бўлиб ўтди. Испанияликлар учунбу жаҳон байрами Барселона яқинида бутун бошли энг замонаий “Олимпик” спорт шаҳарчаси барпо этилганлиги, йигирма бешинчи олимпиада машъаласи билан мамлакат бўйлаб юриб ўтганлар орасида ўз қироллари Хуан Карлос ҳам бўлганлиги, ўйинлар тантанали очилишини Ер қураидаги 35 миллиард

киши телевидения орқали томош қилганлиги билан олимпия ўйинлар тарихида қолди.

Бу вақтда жахон харитасида жиддий ўзгаришлар рўй берганди. Шўролар давлати парчаланиб кетиб, Собиқ Иттифоқ таркибида бўлган республикалар аллақачон халқаро ҳамжамияти – Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан мустақил давлатлар сифатидан тан олиб бўлинган эди. Уларнинг олимпиадада қай даражада иштирок этишлари масалсини жуда тезлик билан ҳал этиш талаб этилади.

Ҳоқ Латвия, Литва ва Эстониянинг иккинчи жахон урушига қадар уларнинг Халқаро Олимпия қўмитасидаги аъзоларини тикди ҳамда бу Болтиқбўйи республикалари спортчиларига Барселонда ўз давлатлари миллий олимпия ҳкамлари таркибида иштирок этишларига ижозат берилди.

Қолган 12 та янги мустақил давлатда миллий олимпия қўмиталари ташкил этилиб, улар Ҳоқ томонидан тан олинганга қадар йигирма бешинчи олимпия ўйинларида Мустақил давлатлар Ҳамдўстлиги Бирлашган жамоаси таркибида иштирок этадиган бўлдилар. МДХ бирлашган жамоасининг ташкил этилиши мажбурий чора бўлиб, раъсий хусусиятга эга эди. Чунки бу Бирлашган жамоа таркибидан ҳар бир мустақил давлат вакиллари ўйинларда қатнашаётган бошқа миллий олимпия жамоалари аъзолари эга бўлган барча ҳуқуқларга эга эди.

Мустақиллик шарофати билан Ўзбекистон Республикаси спортчилари ҳам жахон спорт майдонларида Халқаро спорт мусобақаларининг энг олийси ҳисобланган-Олимпиадада ўз давлатлари номини жахонга танитиш бахтига муяссар бўлдилар. Барселонадан бошлаб олимпияда ўйинлари ғолиби бўлган спортчиларимиз шарафига Ўзбекистон Республикасининг давлат байроғи кўтарилиб давлат мадҳияси ижро этила бошлади.

Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ жисмоний тарбия ва спортнинг олимпия турларини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилди. Давлатимиз парламенти томонидан энг биринчилар қатори 14

январь 1992 йил “Жисмоний тарбия в спорт тўғрисидаги” қонуннинг қабул қилиниши шуни далилатидир.

Мамлакатимизда миллий спорт турлари ва халқ ўйинларини тиклаш, уларни оммалаштириш ва кенг тарғиб этиш мақсадида мазкур қонуннинг янги тағрири 26 май 2000 йил тасдиқланди, 15 сентябрь 2005 йил мазкур қонунга яна ўзгаришлар киритилди.

1994 йилд биринчи марта Жиззах вилоятининг Фориш туманида халқ ўйинлари фестивали ўтказилди.

У ўшандан бери мунтазам равишда ҳар икки йилда бир марта (1998 йилдан) “Алпомиш” миллий спорт турлари ва халқ ўйинлари фестивали номи билан бўлиб ўтмоқда.

1.3.7. XXVI-ёзги олимпиада ўйинлари (Атланта, 19 июль – 4 август, 1996 йил)



1996 йилнинг 19 июлида Америка Қўшма Штатларининг Атланта шаҳрида “100 йиллик ўйинлари” номини олган XXVI-ёзги олимпияда тантанали равишда очилди. Кўпчилик замонавий олимпия ҳаракатига 100 йил тўлганлиги сабабли мазкур ўйинларни ўтказиш шарафи худди олимпиададек бу жаҳон спорт байрамлари ватани пойтахти афинага берилди деган фикрда эди. Лекин Халқаро Олимпия Қўмитаси бошқача қарорга келди.

1994 йилда Бирлашган миллатлар ташкилоти бош ассамблеясининг 48 сессиясида замонавий олимпия ҳаракатининг 100 йиллиги муносабати билан олимпия сулҳи тўғрисида махсус резолюция қабул қилинган ҳамда 1994 йил “Халқаро спорт ва олимпия идеаллари йили”, деб эълон қилинган эди.

Ана шу “100 йиллик ўйинлари”нинг тантанали очилишида Атлантанинг олимпия стадионига 197 давлатнинг 11224 спортчилари билан бирга мустақил давлатимиз вакили Темур Ибрагимов баланд кўтарилиб олган

Ўзбекистон Республикаси байроғи остида мамлакатимизнинг 74 нафар олимпиадачилари шахдам одим кириб борганларида томошабинлар олқиши янгради.

Ўтган бир аср давомида олимпия ўйинларида 140,5 минг спортчи иштирок этган бўлса, уларнинг 227 нафари Ўзбекистонлик эди. Улардан 15 нафари олимпияда чемпионлари, 9 таси эса бронза медаллари билан тақдирланган.

Ўзбекистон Республикаси Халқаро Олимпия ҳаракатига қўшилганидан сўнг ўтган қисқа вақт ичида унинг фаол аъзосига айланди. Тошкент олимпияда ўйинларига мезбонлик қилиш таклифи билан чиқди, давлатимиз пойтахтида биринчи марказий осиё ўйинлари ўтказилди.

Халқаро олимпия қўмитаси Ўзбекистоннинг этиборига мўл саъй ҳаракатларини муносиб баҳолади. Бевосита “100 йиллик ўйинлари” ўтказиладиган 1996 йил 16 февралда Халқаро Олимпия Қўмитасининг Лозан шаҳрида ХОҚ президенти Хуан Антонио Самаранч Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовга жаҳон спортини ривожлантиришидаги хизматлари ҳамда Олимпия ўйинларини қайта тиклаган Пьер Де Кубертен ишлаб чиққан Олимпия идеалларига садоқати учун Олимпия орденини тантанали вазиятда топширди.

1996 йилда ХОҚ президенти Тошкентда олимпия шон шухрати музейи очилишида қатнашди. Халқаро Олимпия Қўмитасининг муассалари таркибида 1993 йилда Швейцариянинг Лозана шаҳрида ташкил этилган олимпия ҳаракати, олимпияда ўйинлари ХОҚнинг фаолиятига оид жуда ноёб ҳужжатлар, ашёлар тўпланган. У 1995 йилда Европада энг яхши музей деб топилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан Тошкентда ҳам Олимпия шон-шухрати музейи ташкил этилди. Бу ерда замонавий олимпия ҳаракати, олимпия ўйинлари, шунингдек юртимизда спорт тарихи мустақиллик йилларида спортни ривожлантириш давлатимиз ижтимоий сиёсатининг устивор йўналишларидан бирига айланганлиги, Ўзбекитсонлик

олимпияда жахон, Ҳалқаро мусобақалар чемпионлари ва совриндорлари тўғрисида 2400 тадан кўпроқ экспонатлар мавжуд. Улар орасида Ҳалқаро Олимпия Қўмиталари ассоцияси, Ҳалқаро хаваскорлар кураш федерацияси- ФИЛА томонидан Президентимиз И.А.Каримовга топширилган ҳамда давлатимиз раҳбари томонидан музейга совға қилинган олий нишонлар алоҳида ўрин тутди.

Замонавий олимпияда ҳаракатининг 100 йиллиги кенг нишонланаётган бир пайтда Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовнинг 1996 йил 29 августдаги фармони билан Ҳалқаро Олимпия Қўмитасининг Президенти Хуан Антони Самаранч Олимпия ҳаракатини ривожлантириш, давлатлараро ҳамкорликни, тинчлик ҳалқлар ўртасида дўстлик ва ҳамжихатликни мустаҳкамлашдаги хизматлари ҳамда Ўзбекистон спортини қўллаб қувватлаш ва унинг ҳалқаро майдонда ўз ўрнини эгаллашга қўшган улкан хиссаси учун “буюк хизматлари учун” ордени билан мукофотланди.

Бу стадионга Ўзбекистон Республикаси байроғини спортчимиз Армен Багдсаров баланд кўтарган ҳолда олиб кирди. Вакилларимиз ўринлар дастурига киритилган 13 спорт тури бўйича беллашувларда иштирок этдилар. Ўзбекистон дзюдоchиси Армен Багдасаров дастлабки 4 учрашувда соф ғалаба билан яқунлаб, финал учрашувда икки карра жахон чемпиони Жанубий корейлик Чжон Ки Йонг билан курашиб олимпия ўйинларининг кумуш медали совриндори бўлди.

Олимпиадачимиз Карим Тўлаганов Атланта рингида бронза медалига сазовар бўлди. Професионал бокс бўйича кўп марта жахон чемпиони Артур Григорян бу олимпиадада фахрий ўринни эгалламаган бўлсада у профессионал рингда WBO йўналишида ўзининг жахон чемпиони унвонини ўн етти марта муваффақиятли химоя қилиб, “Гиннеснинг рекордлар китоби”дан ўрин олди. Бу машхур китобда профессионал бокс бўйича жахон чемпиони унвонини ўн беш марта химоя қилган америкалик Муҳаммад Али номи туради. Рингда ватандошларимиз бу Дилшод Ёқубеков, Наримон Отаев 5-8 ўринларни, юнон рум курашида Григорий Пуляев олтинчи ўринни

эгаллашиб, жамоамизга қимматли очколар келтирдилар ва бу билан Ўзбекистоннинг XXVI ёзги олимпиада ўйинларида иштирок этган 197 мамлакат ўртасида 58- ўринни эгаллашга улушларини қўшдилар.

Яна бир Ўзбекистонлик Рамил Ғаниев Атланта олимпиядасида ўн курашда Осиё рекордини ўрнатган бўлишига қарамасдан, бу натижа унга фақат саккизинчи ўринни таъминлади. Эркин кураш бўйича беллашувларда юртдошимиз Атхамжон Одилов ва Рамил Исломов еттинчи, спорт гимнастикасида Оксана Чусовитина куп курашда ўнинчи ўринни эгаллади.

1.3.8. XXVII-ёзги олимпиада ўйинлари (Сидней, 15 сентябрь – 1 октябрь, 2000 йил)

Сиднейдаги 2000 йилги XXVII-ёзги олимпиада ўйинларида 199 давлатдан 10651 нафар спортчи шу жумладан, 4061 аёл спортчи ташириф этдилар.



Бу олимпиадада 16 минг журналист, шу жумладан 11 минг электрон оммавий ахборот воситалари ходимлари ёритишда иштирок этдилар. Ўйинларни тантанали очилиши ва ёпилиши, мусобақаларнинг телевидение кўрсатувларининг 3,7 миллиард киши томоша қилиб бордилар. 25 миллион одм эса интернеторқали хоҳлаган пайтида хоҳлаган спорт мусобақасини кузатиш имконига эга бўлди.

Сидней Олимпиядаси мусобақалари дастури янада кенгайди. Курраи заминнинг энг кучли спортчилари 300та, шу жумладан эркаклар 168 та, аёллар 120 та медаллар жамламаси учун кураш олиб бордилар.

Мазкур ёзги ўйинларига Ўзбекистон олимпиядачилари жуда пухта тайёргарлик кўрдилар. Бунда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2000 йил 7 июндаги “Ўзбекистонда олимпия ҳаракатини янада ривожлантириш ва мамлакат спортчиларини Сидней шаҳри (Австралия)даги **XXVIII-ёзги олимпиада ўйинларига тайёрлаш**

тўғриси”даги фармони жуда катта ахамиятга эга бўлди. Мамлакатимиз спортчиларига олимпия ўйинларига тайёргарлик кўриш учун ҳамма шарт ўроитлар яратиб берилди.

Шу туфайли Ўзбекистон Республикаси спортчилари Сидней олимпиядасида бундан 4 йил илгари ўйинларига қараганда анча муваффақиятли иштирок этиб, битта олтин, битта кумуш ва иккита бронза медалини қўлга киритдилар. Умуман мамлакатимиз терма жамоаси сафидаги 77 нафар олимпиядачи мусобақалар дастуридан ўрин олган спортнинг 13 турида иштирок этдилар. Улар норасмий умумжамоа ҳисобида 41 ўринни олдилар, яни Атлант олимпиядасида ҳисоб 17 поғона юқорига кўтарилишга муваффақ бўлдилар.

65,5 кггача вазинли боксчилар ўртасида олимпияда чемпиони бўлишга давогарлар орасида Кубалик Диогенес Лунаргинес, Италиялик Свен Парак, Жазоирлик Мухаммад Аллиу, Беларус Сергей Букавоский, Мисрлик Абул Мақсуд Солиқ, Россиялик Александр Леонов каби жаҳоннинг манмандеган чарм қўлқоп усталари бор эди.

Ватандошларимиз улардан маҳоратли эканлигини исботладаи. Ҳал қилувчи финал жангда эса Мухаммад қодир Америка Қўшма Штатларида Рикардо Уильямга рўбарў келди. Бундан 4 йил муқаддам Атлант олимпиядасида Рекардога ўз ватани рингида омад келтирган эди. Сиднейда эса ҳакамлар Мухаммад Қодир Абдуллаевнинг ишончли ғалабасини қайт этдилар- 27:20.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ҳалқимизга муносиб фарзандининг Сидней олимпиядасидаги спорт жасоратига юқори баҳо берди. Мухаммад Қодир кўксидаги олтин медал билан шохсупанинг юқори поғонасида фахр ғурурга тўлиб турар экан уни шарафига давлатимиз мадҳияси янграб байроғимиз юқорига кўтарилаётган чоғда унинг тимсолида ҳалқимизнинг куч ғайрат шижоатига тўла жасорати ва мардлиги намоён этилгандай бўлди.

Ўзбекистонлик олимпияда чемпиони ғолибини Рустам Саидов билан Сергей Михайлов қўллаб қувватладилар. Рустам 91 кггача вазинли боксчилар билан, Сергей эса 81 кггача вазинли спортчилар орасида бронза медаллари совриндорлари бўлдилар.

Эркин кураш бўйича 130 кг вазинга эга полвонлар билан бахсларда Артур Таймазов дастлабки беллашувлар но ишонарли финалда ғалаба билан яқунлади. Фақат финалда хакамлар Россиялик Давид Муссель фаол кураш олиб борганлиги учун 5:2 ҳисобини қайд этиб, уни қўлини юқорига кўтарди.

Эркин кураш мусобақаларида полвонларимиз Дамир Захириддинов 58кг фахрли тўртинчи, Руслан Хинчалов 76 кг 5 ўринларни олдилар. Вакилларимиздан Баходир Қурбонов 63 кг юнон рум кураши пистолетдан ўк отиш мерганимиз Дилшод Мухторов, дзюдодан Алишер (60кг) ларга биринчи ўрин насиб этди.

Батутдан сакраш XXVIII-ёзги олимпиада ўйинлари дастурига биринчи бор ўрин олди. Унда россиялик Александр Мокаленко ҳамда Ирина Караева ўйинлар чемпионлари бўлдилар. Ўзбекистонлик Екатерина Хинко 36,6 балл тўплаб, тўртинчи ўринга кўтарилган спортчиларимизнинг муваффақияти ҳисобланади.

Россия гимнастикачилари 15 та 5тадан олтин, кумуш ва бронза медалларига сазовар бўлдилар. Новосибирлик Станислав Позняков эса қиличбозлик бўйича шахсий ва жамоа биринчиликларида 1992, 1996 (икки марта) ва 2000 йилги олимпияда чемпиони, битта кумуш медал (1992 йилги олимпияда сохибидир. Андрей Лавров яшил қитъада жамоаси билан навбатдаги ғалабани нишонлаб, уч карра олимпияда чемпиони (1988,1992 ва 2000 ййдаги))бўлди.

Голандиялик Питер ван Хугенбанднинг сузиш бўйича жаҳон рекордини ўрнатиб иккита олтин медални қўлга киритди. АҚШ енгил атлетикачиси Мерион Жонс эса аёллар ўртасида 100 ва 200 метрга югуришда қўш зафар қучди.

Сидней олимпиядасида норасмий умумжамоа хисобида биринчи ўрин АҚШ, иккинчи ўрин Россия федерацияси, Хитой халқ республикаси олимпиядачилари биринчи марта учинчи ўринни олдилар.

1.3.9. XXVIII-ёзги олимпиада ўйинлари (Афина, 13 август-30август, 2004 йил)



25 март Грецияда муқаддас миллий байрам нишонланадиган кундир. 1896 йилнинг 25 мартада замонавий Олимпия ўйинлари туғилди. 25 март муқаддас Олимпия шаҳридаги Гера мақбараси олдида XXVIII олимпиада ўйинларининг машъаласи ўт олдирилиб, Юнон енгил атлетикачиси Хостас Гациудис у билан Алфа дарёси соҳилидаги Зеве мақбараси томон йўл олди.

Шундан сўнг олимпия машъаласи 27 давлатнинг 34 шахри бўйлаб 35 кунлик сафарга чиқди. Даставвал аввалги ёзги олимпияда Сиднейга келтирилган машъала Мельбрун-Токио-Сиул-Пекин-Дехли-Қохира-Кейптаун-Рио-де-жанейро-Мехико-Лос-Анжелес-Сент-Луис-Атланта-Нью-Йорк-Манриаль-Антверпен-Брюссель-Амстердам-Женева-Лозанна-Париж-Лондон-Барселона-Рим-Мюнхен-Берлин-Стокгольм-Хельсинки-Москва-Киев-Истамбул-София-Никсия орқали 13август Ўйинлар тантанли очилиш кунда яна Афинага қайтиб келди. На шу шаҳар бўйлаб 1500 километрлик эстафетада 11минг 300 нафар киши қатнашди. Улар орасида, жумладан, Бразилия “Футбол қироллари” Пеле ва Роналдо бор эди. Машъала йўналиши ХХРда Буюк Хитой девори орқали ўтди.

Ўзбекистонда олимпия ҳаракатини ривожлантириш унинг қадриятлариникенг тарғибот этиш давлатимиз спортчиларининг бу ўйинларда муваффақиятлиштирок этишларини таъминлашга катта аҳамият бериб келинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 7 июндаги “Ўзбекистон спортчиларини Афина шаҳри (Гретция)да

Ўтказиладиган 2004 йил XXVIII-ёзги олимпиада ўйинларида иштирок этишларини тўминлаш тўғрисида”ги қарори бунинг ёрқин исботидир.

Олимпиада ватани пойтахтидаги стадионга Ўйинлар тантанали очилиш пайтида Ўзбекистон Республикаси спортчилари делегацияси шахдам одимлар билан кириб келдилар. Йигирма саккизинчи олимпиада машъаласини ёқиш шарафи грек яхтачиси Николас Какламанисга насиб этди.

Миллий жамоамизга иккинчи олитин медални юнон-рум кураши бўйича 74 кг ли вазнли Александр Докторшувили олиб келди.

Ёркин кураш бўйича ян бир ватандошимиз 96 килограмм вазнли спортчилар ўртасида кумуш совриндори бўлди.

Боксчиларимиздан Ўткир Хайдаров 81 килограмм, Баходир Султонов эса 51 килограмм вазнли “Чарм қўлқоп” усталари ўртасида бронза медалларига сазовар бўлди.

Ўзбекистон Республикаси миллий олимпия Греция пойтахтидаги Ўйинларида иштирок этган 202 давлат ўртасида 34-ўринни эгаллди. Йигирма саккизинчи ёзги олимпиада якунлари бўйича Ўзбекистон спортчилари Мустақил Ҳамдўстлик мамлакатлари ўртасида бешинчи, Марказий Осиёда биринчи ўринга чиқдилар.

Ҳеч шубҳасиз, Ўзбекитсон жаҳон спорти жадал ривожланаётган мамлакатлар қаторида мустаҳкам ўрин олди. Буни фақат боксчиларимиз, курашчиларимиз олимпия ўйинлари билан бир қаторда муттасилравишда жаҳон, қитъа биринчиликлри ғолиблри қаторида ўрин олаётганликларигина эмас, шунингдек Ирода Тўлаганова энг нуфузли Уимблдон турнирид ғолиб чиққанлиги, 2004 йилда Руслан Косимов Жаҳон тожини қўлга киритлаглигини тўла тасдиқлаб турибди.

Гретция пойтахтидан яна Кладкрва аввал 200 сўнг 400 метрга комплекс сузишда ғолиб чиқиб, қўш олтин медални эгаси бўлди, ахир тўрт карра олимпиада чемпиони, шунинг учун ҳам унга Украина қаҳрмони унвони ерилиши спортдаги жасортини муносиб баҳоланиши бўлди.

II БОБ. ҚИШКИ ОЛИМПИАДА ЎЙИНЛАРИДА ДАВЛАТЛАРНИНГ ИШТИРОКИ ВА УЛАРНИНГ СПОРТДАГИ ЮТУҚЛАРИ

2.1. Биринчи жаҳон урушидан кейинги даврда ўтказилган қишқи олимпиада ўйинлари

2.1.1. I қишқи олимпиада ўйинлари (Шамани, 25 январь-3 апрель, 1924)



Замонавий олимпиада ҳаракатига асос солинганлигига ўттиз йиллиги яқинлашиб келаётганлиги муносабати билан ўйинларни яна Парижда ўтказишга қарор қилинди. Франция пойтахти Ҳалқаро Олимпиада Қўмитаси бу улкан спорт байрамини ўтказишни иккинчи маротаба ишониб топширилган биринчи шаҳар эди.

1924 йили ўтказиладиган навбатдаги VIII ёзги олимпиада ўйинларини кенг тарғибот қилиш мақсадида Францияда “Қишқи спорт ҳафталиги” ни ўтказишга қарор қилинди. Ҳалқаро Олимпиада Қўмитасининг бу ташаббусини амалга ошириш учун Пьер де Кубертенга бутун ташкилотчилик салоҳиятини, Ҳалқаро спорт ҳамжамиятидаги обрўсини ишга солишга тўғри келди. Кўпгина миллий Олимпиада Қўмиталари қишқи спорт турлари кўҳна Юнонистондаги олимпиада ўйинлари дастурида мусобақаларни ташкил этишга қарши чиқдилар. Скандинавия мамлакатлари эса қишқи спорт турлари бўйича ўзлари “Шимол ўйинлари” ўтказиб келаётганликларини эслатиб, бундай яна бир ҳалқаро мусобақаларга ҳожат йўқлигини билдиришди.

Бу эътирозларга қарамасдан 1924 йил 25 январь- 4 февраль кунлари Франциянинг Курот шаҳарчасида бўлажак Париж олимпиадасига бағишланган қишқи спорт ҳафталиги бўлиб ўтди.

Бош Вазир Гстон Видаль “Мусобақлар Ҳалқаро Олимпиа Кўмитаси розилигида ташкил этилди”, деб таъкидлади. Бобслей ва трамплиндан чангида сакраш мусобақалари ўтказилган жойларда олимпиада байроқлари кўтарилди. Бу ХОҚ га Шаманидаги мусобақаларни бир оз кейинроқ расмий равишда I қишки олимпиада, деб эълон қилиш ҳуқуқини берди.

Қишки спорт ҳафталиги - I қишки Олимпиадада 16 мамлакатдан 293 спортчи, шу жумладан, 13 нафар аёл иштирок этди. Улар спортнинг беш тури- бобслей, чанги, кўпкураш (чангида югуриш ва трамплинда сакраш), конькида югуриш ва фигурли учиш ва шайбали хоккей бўйича 14 та медаллар жамланмаси учун кураш олиб бордилар.

500 метр масофага конькида югуришда ғолиб чиққан Ч.Жутрод қишки Олимпиаданинг биринчи чемпиони ҳисобланади.

Норвегиялик Турлейф Хаут чангида 18 ва 50 километрга пайга ҳамда чанги кўпкураш (чангида 60метрли трамплиндан сакраш ва 18 километрга) да ғолиб чиқиб, учта олтин медал соҳиби бўлди. Бутун қишки олимпиада тарихида ҳеч ким бу афсонавий чангичи натижасини такрорлай олмади. Турлейф Хаут биринчи бўлиб, “Чанги қироли” унвонига сазовор бўлди.

Канада шарафини ҳимоя қилган 1924 йилги Аллан кубоги соҳиби “Торонто Гренайте” ҳаваскорлар жамоаси шайбалли хоккей бўйича олимпиада турнирида: рақиблар дарвозасига 110 та шайба (якуний шайбалар ҳисоби - 110:3) йўллади. Жумладан, улар Чехословакия жамоасини 30:0, Швецарияликларни 33:0, Инглизларни 19:2 ҳисобида мағлубиятга учратдилар.

Норасмий умумжамоа ҳисобида 18 (4 та олтин, 7 та кумуш ва бронза) медалини қўлга киритган Норвегия Олимпиадачилари биринчи ўринни олдилар. Иккинчи ўринни Финларга, учинчиси эса Америкаликларга тегди.

2.1.2. II қишки Олимпиада ўйинлари (Санкт-Мориц, 11-19 февраль 1928 йил)

Швецариянинг Санкт-Мориц корт шаҳарчасида 1928 йил 11-19 февраль кунлари II қишки Олимпиада ўйинлари бўлиб ўтди. Унда 25 мамлакатдан 191

спортчи, шу жумладан, 27 аёл қатнашди. Улар спортнинг олти туридан 13 та медаллар учун беллашдилар.

Чанғи спортида Норвегияликлар 4 лотин медалдан ҳасини қўлга киритган бўлсалар, Фин К.Тунберг 500 ва 1500 метр конькида югуришда қўш ғалба эришди.

Фигурали учишда норвегиялик Соня Хени муваффақияти эътиборга сазовордир. У Санкт-Морицдаги ғалабасидан ташқари 1932, 1936 йиллардаги икки қишки олимпиадада ҳам шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтрилиб, биринчи бўлиб уч карра Олимпиада чемпиони шарафли унвонига сазовор бўлди.

Шайбли хоккей бўйича олимпиада турнирида яна канадаликларга тенг келадигани топилмади. Канадаликлар Шведларни 11:0, Швеция хоккейчиларини 13:0, Буюк Британия жамоасини эса 14:0 ҳисобида мағлубиятга учратдилар.

II қишки Олимпиадада умумжамоа ҳисобида 93 очко ва 15 (5 та олтин, кумуш ва бронза) медалларини қўлга киритган Норвегия спортчилари пешқадамлик қилди. Америкаликлар иккинчи, Шведлар учинчи ўринни эгалладилар.

2.1.3. III қишки Олимпиада ўйинлари (Лейк-Плесид, 4-13 февраль, 1932 йил)



Учинчи қисқа олимпиад ўйинларида Лейк-Плесидда 1932 йил 4-13 февралларда бўлиб ўтди. Унда 17 мамлакатдан 306 спортчи, шу жумладан, 32 аёл иштирок этди. Уларнинг тенг ярми- 150 нафари АҚШ ва Канада вакиллари эди.

Бу сафарги қишки спортнинг 5 тури бўйича мусобақалар ўтказилди. Конькида югуришда барча олтин медалларни америкалик спортчилар ўзаро бўлишиб олдилар.

Қишки олимпиада дастуридаги чанғи спортида чемпионлик Финляндия (уч карра) ҳамда Норвегия ва Швеция (икки мартадан) спортчиларига насиб этди.

Атига тўртта жамоа қатнашган шайбали хоккей бўйича мусобақаларда канадалик навбатдаги ғалабага эришдилар.

Норасмий жамоа ҳисобида АҚШ 85 очко ва 12 та (6 та олтин, 4 та кумуш ва 2 та бронза) медал билан биринчи ўринни эгаллади. Норвегия олимпиадачилари бу сафар иккинчи, канадаликлар эса учинчи ўрин билан қифояландилар.

2.1.4. IV қишки Олимпиада ўйинлари (Гармиш- Партенкирхен, 6-16 феврал, 1936 йил)



IV қишки Олимпиада 1936 йил 6-16 февралда Гармиш-Партенкирхенда ўтказилди. Мусобақалар дастури тоғ чанғиси спорти (эркаклар ва аёллар ўртасида қўшқураш-тепаликдан чанғида тушиш ва слалом) ҳамда 4x10 километрга эстафета билан бойитди.

Норвегияликлар қишки спортидаги мавқеаларини яна тиклашга муваффақ бўлдилар. Улар 7 та олтин медални қўлга киритдилар. Бунда уч карра олимпиа чемпиони Ивар Баллангруднинг алоҳида ҳиссаси бор. Шайбали хоккей бўйича Буюк Британия жамоасининг, мутлоқ енгилмас ҳисобланган канадаликларни маҳлбиятга учртиб, Олимпиада чемпиони бўлди. Буни асосий сабаби инглизлар жамаоси етакчиси хоккейчилари йигирминчи аср ўттизинчи йиллари бошида Буюк Британияга Канададан қўчиб келган, у ерда хоккей клубларида маҳорат орттирган ўйинчилардан иборат эди.


Қишки Олимпиадада мезбонлик имкониятларидан фойдаланиб норасмий умумжамоа ҳисобида бўлишига ҳар қанча ҳаракат қилмасин бунга қурби етмади. 1000 очко ва 15 та (7 та олтин, 5 та кумуш ва 3 та бронза) медал билан норвегияликлар умумжамоа ҳисобида биринчилиكنи қўлга киритди.

Бу олимпиадада 28 мамлакатдан 756 спортчи, шу жумладан 16 аёл иштирок этди.

2.2. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврда ўтказилган қишки олимпиада ўйинлари

2.2.1. V қишки олимпиада ўйинлари (Санкт-Мориц, 30 январь- 8 феврал, 1948 йил)

Ўн икки йил мажбурий танаффусдан кейин (иккинчи жаҳон уруши сабабли) урушдан кейинги олимпиада иккинчи маротаба Швецариянинг Санкт-Мориц



шаҳарчасида 1948 йил 30 январь- 8 февралда бўлиб ўтди. ХОҚнинг биринчи марта қишки Олимпиадани ёзги ўйинлар мезбони бўлмаган давлатда ўтказишга қарор қилинганлигини сабаби Санкт-Мориц Швецариянинг иккинчи жаҳон уруши четлаб ўтганлиги учун танланган эди.

Бу галги олимпиада 28 мамлакатдан 713 спортчи, шу жумладан, 77 аёл қатнашди. Улар қишки беш спорт турида 22 та медал жамланмаси учун кураш олиб бордилар.

Чанғида 18 ва 50 километрга югуришда ҳамда 4x100 километрга эстафетада швед спортчилари рақибларига бирор имконият қолдирмади. Норвегия олимпиадачилари эса 500, 1000 ва 5000 метрга конькида югуришда шохсупанинг энг тўрига кўтарилдилар.

Фигурали учишда америкалик Дин Баттон ўзининг муз ўстидаги бетакроп сакрашлари билан биргина томошабинларни эмас, ҳакамларни ҳам лол қолдирди.

Шайбали хоккей бўйича олимпиа турнири финалида Канада ва Чехословакия терма жамоалари учрашдилар. Аввалги олимпиадаларда улар ўртасидаги ўйинларда жами шайбалар нисбати 52:0 ҳисобида канадаликлар фойдасига

тугалланди. Санкт-Морицда эса 0:0 ҳисоби қайд қилиниб, фақат шайбалар нисбатига кўра Канада хоккейчилари чемпион деб эълон қилинди.

2.2.2. VI қишки Олимпиада ўйинлари (Норвегия, 14-25 февраль, 1952 йил)



Олтинчи қишки Олимпиада ўйинлари Норвегия пойтахтида 1952 йил 14-25 февралда бўлиб ўтди. Бунда 30 мамлакатдан 732 спортчи, шу жумладан, 108 аёл беш қишки олимпиада медаллари учун кураш олиб бордилар. Олтинчи олимпиада ўйинларида ёзги ўйинлардагидек биринчи бор олимпиада машғаласи ёндирилди. Машғалани Норвегиялик чанғи спортчиси С.Нордейм ўт олдирди ва бу анъана навбатдаги ўтказилган қишки олимпиада ўйинларида давом эттирилди.

Норвегия ва Финландия чанғичилари жами 18 медални 16 тасини ўзаро бўлишиб олдилар. Швеция спортчилари эса фақат яккаю ягона бронза медал билан қифояландилар, холос. Норвегиялик Ялмар Андерсен 5000 ва 10000 метрга конькида югуришда рекорд ўрнатиб, олимпиада чемпиони бўлди.

Мезбонлар бу олимпиадада ғоят муваффақиятли қатнашдилар. 104,5 очко ва 16 т (7 та олтин, 3 та кумуш ва 6 та бронза) медалларини қўлга киритган Норвегия жамоаси биринчи ўринни олди. Иккинчи ўрин АҚШ, учинчи Финландия спортчиларига насиб этди.

2.2.3. VII қишки Олимпиада ўйинлари (Кортин д.Ампешо, 26 январь-5 феврал, 1956 йил)



1956 йил 26 январь - 5 февраль кунлари Италиянинг Кортин д. Ампешо шаҳрида еттинчи қишки Олимпиада ўйинлари бўлиб ўтди. Бу Олимпиадада 33 давлатдан 924

нафар спортчи, шу жумладан, 146 аёл қатнашди. Илк бор собиқ Иттифокдан 153 спортчи олимпиадада иштирок этдилар.

Қишки Ўйинлар Олимпиада тарихида биринчи март аёл спортчи, итлиялик чанғичи Энулиана Шепал Манутцо мусобақалар қатнашчилари номидан қасамёд қилди. Олимпиадачилар спортнинг беш тури бўйича беллашув олиб бордилар ва уларга айрим ўзгартиришлар киритилди. Хусусан, чанғи бўйича беллашувлар 18 километрга пойга 15 ҳамда 30 километр масофаларга алмаштирилди, аёллар ўртасида янги, 3х5 километрга эстафета мусобақалари дастурига чанғида пойгада ҳар галгидек Шимол давлатлари пешқадамлик қилдилар. Норвегиялик Х.Бренден 15 километрга пойгада маррага биринчи бўлиб етиб келган бўлса 30 километрга пойгада швед С.Ернбергга бас келадиган топилмади..

Қишки спортнинг бу турида фақат собиқ Иттифок чанғичиларигина 4х10 километрга эстафетада ғолиблик шохсупасига кўтарила олдилар. Қишки Олимпиадада собиқ Иттифок спортчилари орасида биринчи бўлиб олтин медалга чанғида 10 километр масофага пойгада Любовь Козирева сазовар бўлди.

2.2.4. VIII - қишки олимпиада ўйинлари (Скво-Вэлл, 18-28 февраль 1960 йил)



Америка Қўма Штатларидаги Скво-Вэллида 1960 йил 18 -28 февралда VIII - қишки олимпиада ўйинлари бўлиб ўтди. Бу Олимпиада ўйинларининг ўзига хос хуссиятлари Скво-Вэлли денгиз сатхидан 1889 метр баландликда жойлашганлигида эди.

Шу вақтгача Олимпиада ўйинлари бу қадар баландлик жойда ўтказилмаган эди. Скво-Вэлли қишки Олимпиада ўйинлари 31 мамлакатдан 665 спортчи шу жумладан 144 та аёл қишки спортни бешта тури бўйича беллашдилар. Мусобақалар дастурига ярим ўзгартиришлар киритилди.

Жумладан биринчи бор унда биатлон ўрин олди. Аёллар ҳам конкида тезроқ югуриш мусобақалашдилар. Ченада тез учуш учун махсус курилма мавжуд эмаслиги сабабали бобли бўйича мусобақа ўтказилмайди. Скво-Вэллида биринчи марта ўйинларга доир барча маълумотларни тайёрлашда ҳисоблаш техникасидан фойдалана бошлашди.


Конки пойгалари бўйича Германия спортчилари 3 та олтин медаль, Финландия, Шветсия, Шветсария иккитадан, Франция, Австралия, Канада ва Собиқ Иттифоқ спортчилари биттадан медалга эга бўлишдилар. Коньки мусобақаларида бунинг тамоман аксини мумкин эди: саккизта олтин медалнинг олтитасини Собиқ Иттифоқ спортчилари қўлга киритдилар. Конькида 1500 метрга югуришда жаҳон рекорди, 300 метрга югуришда эса олимпия рекордини ўрнатган Лидия Скобликова қўш медал эгаси бўлди. У кейинги Инсбрк Олимпиадасида яна тўрт мартта ғолиба натижасини суриб, олти карра чемпион унвонига эга бўлди. Истеъдодли Уранлик бу қиз, шунингдек, 1963, 1964 йилларида мутлоқ жаҳон чепмиони биринчиликларининг 25 та олтин медаллар соҳибаси бехисоб жаҳон ва олимпия рекордчиси ҳисобланди. Узоқ йиллар давомида конькида 500, 1000, 1500, 3000 метрга югуришда унга бас келадиган топилмади.

1960 йилги қишки олимпиада биринчи мартта биатлон бўйича мусобақалар ўтказилди. Шайба хоккей турнири Америка Қўшма Штатлар жамоаси билан якунланди. Норасмий умумжамоа ҳисобида Собиқ Иттифоқ спортчилари 146,5 очко ва 21 та (7 та олтин, 5та кумуш ва 9та бронза) медал билан биринчи ўринни эгалладилар. Иккинчи ўринни АҚШ, учинчи ўринга эса Шветция олимпиадачилари эгалладилар.

Таққослаш учун 1995 йилги Сиднейдаги ёзги ва Солт – Лейк – Ситидаги қишки олимпиада мусобақаларини телевидения орқали намойиш этиш ҳуқуқи берилиши учун имзоланган шартнома баҳоси 1 млрд 270 миллион АҚШ долларни ташкил этди. Бу биринчи телекомпанияларнинг фойдали эмас. Олимпиада мусобақаларини телевиденияда намойиш этиш ҳуқуқи берилишидан тушадиган маблағни тенг ярми ўйин ташкилотчилари яъни мезбонларга

берилди. Қолган иккинчи ярми Халқаро Олимпия Қўмитасининг ривожлантириш миллий олимпия қўмиталари, халқаро спорт федератцияларига моддий ёрдам кўрсатиш мақсадида сарфланган. Бу шартномадан спорт ишқибозлари ҳам манфаатдорлар. Телевидения шарофати билан охириги олимпия ўйинларини замонамиздаги 220 давлатларнинг қарийб 4 миллиард аҳолиси томоша қилди.

2.2.5. IX Қишки олимпиада ўйинлари. (Инсбург, 29 январ – 9 феврал, 1964 йил)



1964 йил 29 январ – 9 феврал кунлари Австриянинг Инсбург шаҳрида IX қишки Олимпиада бўлиб ўтди. Бу мусобақалар қатнашчиларининг рекорд сони билан ажралиб туради.

Инсбургка 37 мамлакатдан 1111 спортчи шу жумладан, 197 аёл қатнашди. Улар етти қишки спорт тури бўйича 34 медаллар жамланмаса учун кураш олиб бордилар.

Аммо ташкилотчилар қишки Олимпиадада ҳаво илиқ келганлиги сабабли кутилмаганда қор тақчиллигига дуч келди. Натижада чанғи мусобақаларини ўтказиш учун бу эрга 15 минг куб метр қор ташиб олиб келишга тўғри келди.

Чанғи спорти бўйича Собик Иттифоқ олимпиадачилари барча олтин медалларини қўлга киритдилар.

Тоғ чанғиси бўйича беллашувларда эса опа – сингиллар Кристина ва Мариэл Гойчель амалга бир бирлари билан кураш олиб бордилар. Агар Кристин олтин, Мариэль кумуш медалга сазовор бўлган бўлса, гигант слаломда буни акси: Мариэль чемпион бўлди, Кристина эса иккинчи ўринни олди.

Коньки мусобақаларида Лидия Скобликова мутлақ натижага эришди. У спортнинг бу турида барча – туртта олтин медални қўлга киритди. Собик Иттифоқ конькичи қизлари Инсбургда жами 12 та медалдан тўққизтаситани олишга муваффақ бўлдилар.

Фигурали учиш беллашувларида жуптлик учрашув Людмила Белорусова ва Олег Протопопанов ўз махоратлари билан спорт ихлосмандларини ҳам хакамларини ҳам мафтун этиб олтин медал сохиби бўлдилар.

Собиқ Иттифоқ хоккейчилари олимпия турнирида саккиз учрашувларининг барчасида ғалаба қозондилар. Шайбалар нисбати 73 – 11. Бу ютуқлар салмоқли эканлигидан далолат беради. Инсбуркда норасмий учумжамоа ҳисобида Собиқ Иттифоқ Олимпиадачилари биринчи ўринни олдилар. Тўққизинчи олимпиада ўйинлари ҳисобида 162 очко ва 25 та (11 та олтин, 8 та кумуш ва 6та бронза) медал бор эди. Норвегия спортчилари иккинчи, 79 очко ва 12 та (4 та олтин, 5та кумуш ва 3та бронза) медал билан Австралияликлар учинчи ўринни эгалладилар.

2.3. X- XX қишки Олимпиада ўйинларида давлатларнинг иштироки ва спортда эришилган ютуқлари

2.3.1. X қишки Олимпиада ўйинлари. (Гренбаль, 6-18 феврал, 1968 йил)



Франциянинг Гренбаль шаҳрида 1968 6-18 феврал кунлари X қишки Олимпиада мусобақалари бўлиб ўтди. Унда 37 мамлакатдан 1158 спортчи, шу жумладан, 202 аёл етти спорт тури 35 та медаллар жамланмаси учун кураш олиб борилди.

Чанғи мусобақаларида Норвегия олимпиадачиларининг устунлиги яққол сезилди.

Эркаклар ўртасида 15 километр масофа эса Ом Элlefетер маррага биринчи бўлиб етиб келган бўлса, уларнинг жамоадошлари 3x5 километр ҳамда 4x10 километрга эстафетада ғолиб чиқиб, Норвегия учун тўртта олтин медал киритди. Италиялик Франко Нонне 30 километрга чанғи пойгасида олимпиада чепмиони бўлиб, жанубий мамлакатлар вакиллари ҳам спортнинг

қишқи турларида шимол давлатлари спортчилари билан баб – баробар олишларини исботлади. Аёллар ўртасида 5 ва 10 километрга чанғи пойгасида эса Швециялик Тоини Густаф Сонининг олдиға тушадиганлар топилмади. У Греноболда икки карра Олимпиада чемпиони бўлди. Коньки мусобақаларида голландиялик учта олтин медални қўлга киритдилар. АҚШ, Норвегия, Германия, Швеция, Собиқ Иттифоқ Конькичилари ҳам биттадан олий нишон билан тақдирландилар.

Франциялик Жон Клод Киллитог спортнинг барча уч туридан ҳам медал, яхши натижа кўрсатиб, уч карра олимпиада чемпиони унвонига сазовор бўлди.


Фигурали учишда Америка Қўшма Штатларининг “муз маликаси” Пеггим Флеменг махорати хакамларнинг энг юқори баҳоларини олиб, ишончли ғалабани таъминлади.

Биатлонда Норвегиялик Магнар Сальберг 70 метрлик троплинадан чанғида сакрашдан чехословак Иржи Дарш, 90 метрликда эса Собиқ Иттифоқдан Владимир Белодеов фахрий шоҳсура тўғридан ўрин олди.

Шайбалик хоккей бўйича олимпия журналида яна Собиқ Иттифоқ терма жамоаси ғолиб чиқди. Чунчи қишқи олимпиадада норасмий ҳисобида Норвегия биринчи ўринга кўтарилди. Бу мамлакат олимпиадалари 103 очко ва 14 та (6 тадан олтин ва 6 та кумуш ҳамда 2та бронза) медални қўлга киритдилар.

2.3.2. XI қишқи Олимпиада ўйинлари.

(Саппоро, 3-13 феврал, 1972йил)



XI қишқи Олимпиада биринчи мартта Осиё қитъаси – Саппорода 1972 йил 3-13 февральда бўлиб ўтди. Мезбонлик қилишни зиммасига олган Япония қишқи олимпиадада бутун тарих давомида фақат битта нишон – кумуш медал олган эди, холос. Бу давлатнинг ана шу жаҳон спорт байрами пойтахти бўлиш истаги негизида қишқи Олимпиада ўйинларида


ғолибликка давогарлик эмас, балки ўзининг сўнгги йилларда эришган ижтимоий ва иқтисодий соҳалардаги муваффақиятиларини намойиш қилиш мақсади ётади. Саппорога 35 мамлакатдан 206 аёл билан бирга бутун дунёдан 4000 журналист келганлиги худди ана шундан далолат берарди.

Япон спортчилари Юкио Каса, Акициту Конни, Сейдзи Аосининг 70 метрли трамплиндаги чанғидан сакрашда шохсупани эгаллади.

Сапоро Олимпиадасида Адрианус Схенкни конькида 1500, 5000, 10000 метрга югуришда ғолиб чиқиб бирданига уч карра олимпиада чемпиони бўлди. Схенк, шунингдек, 1970 – 1972 йилларда уч карра мутлак жаҳон чемпиони, купдан кўп жаҳон рекордлари муаллифи ҳисобланади.

Ўн биринчи қишки олимпиада ўйинларида тулалик Вячеслав Веденин чанғида 30 километрга пойгада, шунингдек 50 километрга пойгада бронза медалини қўлга киритди.

2.3.3. XII қишки Олимпиада Ўйинлари (Инсбрук, 4-15 февраль, 1976 йил)



Австралиянинг Инсбрук шаҳрида 1976 йил 4-15 февраль кунлари XII қишки Олимпиада мусобақалари ўтказилди. Бунда 37 давлатдан 1123 спортчи, шу жумладан, 231 аёл бу мусобақаларда иштирок этишди. АҚШ спорт делегацияси 94, Собиқ Иттифок -79, Австралия-74 нафардан иборат бўлса, Венгрия, Сан-Марино, Корея Республикаси жамоалари таркибида атига иккитадан олимпиадачилар бор эди, холос.

Қишки олимпиада дастури янада кенгайтирилди. Эркаклар қишки спортининг 8-биатлон, бобслей, чанғи спорти, фигурали учиш, чана спорти, хоккей турлари бўйича мусобақалашдилар. Аёллар эса 5 та- тоғ чанғиси, чанғи спорти, коньки, чана спорти ва фигурали учишда Олимпиада медаллари учун кураш олиб бордилар.

Австрия қишки мусобақаларида Раиса Сметана 10 километрга пойга ва 4x5 километрга олтин, 5 километрга пойгада эса кумуш медалга сазовор бўлди. Раиса 1980 йилги қишки олимпиадада 10 километрга пойгада кумуш, 20 километрга- бронза, нихоят 1992 йилги мусобақаларда 4x5 километрга пойгада олтин медалларни қўлга киритди.

Ўн иккинчи қишки олимпиадада фигурали учиш бўйича мусобақалар дастурига илк бор муз устида рақс жуфтлиги киритилди. Унда Людмила Пахомова ва Александр Горшков ғолиб чиқдилар.

Чанғи спортида собиқ иттифоқ спортчилари 4 та олтин медални қўлга киритган бўлсалар ГДР олимпиадачилари ҳам бобслей в чанғи спортида худди шундай натижага эришдилар. Шайбали хоккей мусобақаларида бу сафар ҳам собиқ иттифоқ жамоасига тенг келадиганлар топилмади.

2.3.4. XIII қишки олимпиада ўйинлари (Лейк – Плесид, 13-24 феврал 1980 йил)

1980 йил 13-24 феврал кунлари АҚШнинг Лейк Плесид шаҳрида XIII қишки олимпиада мусобақалари бўлиб ўтди. Бу ерда 49 мамлакатнинг 1283 спортчиси 38 та медаллар жамланмаса учун кураш олиб бордилар.



Мезбонлар вакили Эрик Хейден коньки мусобақаларида 500,1000,5000 ва 10000 метрга югуришда ғолиб чиқиб 5 та олтин медал сохиби бўлди.

Швед Эриксен Хейден 1976 йилги қишки олимпиада ўйинларида конкида 1500 метрга югуришда еттинчи, 5000 метрга эса ўн тўққизинчи ўрин билан кифояланган бу спортчи велосипед спортида профессионаллар ўртасида АҚШ чемпиони машхур “Тур де Франц” велопойгаси иштирокчисидир. Аммо 1980 йилда 53 ёшни уриб қўйган Эриксон 6 та қишки олимпиада ўйинларида иштирок этган ягона спортчи эди.

Биатлончи Александр Тихонов Эроксондан иккита кам- 4 та қишки олимпиада ўйинларида иштирок этди. Аммо у шведдан фарқли равишда бу олимпиадаларнинг ҳар бирида биттидан хусусан, Лек – Плесидда ҳам жами 4 та олтин медал олди.

Унинг жамоадоши чнғичи Николай Зимятов бу ердаги мусобақаларда 30 ва 50 километрга пойгада ҳамда 4x10 километрга эстафетада ғолиб чиқиб, 3 та олтин медал билан тақдирланди. 4 йилдан кейин 1986 йилдаги XIV қишки олимпиада ўйинлари у яна 30 километрга чнғи пойгада биринчиликни эгаллади ҳамда 4x10 километрга эстафетада кумуш медал совриндори бўлди.

Ирина Роднина фигурали учишда Лейк-Плэсидда қишки олимпиадаларида учинчи олтин медалга лойиқ топилди. У ўзининг биринчи олимпиадасида Алексей Уланов, кейингисида Александр Зайцев билан жувфтликда юксак маҳоратини намойиш этди.

2.3.5. XIV қишки Олимпиада Ўйинлари (Сараево, 8-23 февраль, 1984)



Sarajevo '84

1984 йил 8-23 февраль кунлари Югославиянинг Сараево шаҳрида XIV қишки Олимпиада ўйинлари бўлиб ўтди. Унда 49 мамлакатнинг 1581 спортчиси, шу жумладан, 368 аёл иштирок этди. Улар қишки спортнинг ўнта турида 39 та медаллар жамланмаси учун кураш олиб бордилар.

Сараево қишки Олимпиадаси финляндиялик Марья Лииса Кирвесниеми (Хямялйнен) аёллар ўртасида 5, 10 ва 20 километрга чанғида пойгада ғолиб бўлиб, уч крра олимпиада чемпиони бўлиш билан бирга жамоадошлари билан 4x5 километрга эстафетада бронза медални қўлга киритди. Марья 1988 йилги қишки Олимпиадада ҳам эстафетада бронза медали билан тақдирланди. Шундан кейин чанғичи фарзанд кўрганлигига қарамасдан яна спортга қайтди ва 1989 йилда икки карра жаҳон чемпиони, 1994 йилги қишки олимпиада

ўйинларида эса чанғида 5 ва 30 километрга пойгада совринли учинчи ўринни эгаллади.

Кирвеснийларни чинакамига олимпиадачилар оиласи деса бўлади. Марьянинг отаси Кавели Николай Хямялайнен чанғида 50 километрга пойгада 1960 йилги қишки Олимпиада чемпиони ҳисобланади. Турмуш ўртоғи Харри Тапани Кирбесниemi 1980, 1984, 1990, 1994 йиллардаги қишки олимпиадаларда 4x10 километрга эстафетада, 1984 йилда 15 километрга чанғида пойгада бешта бронза медалига сазовор бўлган.

Икки карра Олимпиада, тўрт карра жаҳон чемпиони Германия Демократик Республикасидан Катарина Витт дастлабки олтин медални Сараевода фигурали учаш мусобақаларининг шахсий биринчилигидаги ишонarli ғалбаси учун олди. У тўрт йилдан сўнг навбатдаги қишки Олимпиадада Югославияд мувоффақиятини такрорлади.

Ўн тўртинчи Олимпиада АҚШ спортчиси Уильям Жонсон ва аёллар ўртасида эса Добби Армстронг чанғи мусобақаларида катта тезлик ва маҳорат кўрсатиб биринчиликни таъминлади. Америка тоғ чанғичилари учта олтин ва яна иккита кумуш медални олишга эришдилар.

Сараево қишки Олимпиадасида норасмий умумжамоа ҳисобида яна Собиқ Иттифоқ спортчилари 167 очко ва 25 та (6 та олтин, 10 та кумуш ва 9 та бронза) медал билан пешқадамлик қилдилар. Бу зафарга чанғичи Николай Зимятов 30 километрга пойгада, конькичилар Сергей Фокичев ва Игорь Мальков 500 ва 10000 метрга югуришда, Елена Валова ва Олег Васильев фигурали учаш мусобақаларида спорт жуфтлигидаги, беатлончилари 4x7,5 километрга эстафетадаги ҳамда хоккейчилар Чехословакия жамоаси билан ўта қийин кечган хал қилувчи ўйинда 2:0 ҳисобида ютуқлари билан энг муносиб улушларини қўшдилар.

Германия Демократик Республикаси олимпиадачилари Сараевода Собиқ Иттифоқ жамоасидан 3 та кўп-9 та олтин медал олган бўлсада, очколар ҳисобига иккинчи ўринда қолди. Учинчи ўрин Финляндия жамоаси аъзолари эгалладилар.

2.3.6. XV қишки Олимпиада ўйинлари

Калгари, 13-28 февраль, 1988 йил)



Calgary '88

Канаданинг Калгари шаҳри номзодини еттинчи марта кўрсатгандан кейингина нихоят XV қишки Олимпиада ўйинлари мезбони бўлиши ҳуқуқини қўлга киритди. 1988 йил 13-28 февраль кунлари бўлиб ўтган бу “Оқ Олимпиада”га 87 мамлакатдан 1634 спортчи, шу жумладан, 364 аёл келди. Улар мусобақалар дастурига тоғ чанғи спорти, чанғи пойгаси ва конькида югуришда янги турлари киритилганлиги сабабли 46 та медаллар жамланмаси учун кураш олиб бордилар.

Калгари мусобақаларида фин Матти Жокянен 70 ва 90 метли трамплиндан чанғида сакрашда шахсий ва жамоа биринчиликларида учта олтин медалга сазовар бўлди.

Швед Свен Томас Густафесон эркалар ўртасида конькида 5000 ва 10000 метрга югуришда қўш олтин медаллик бўлган бўлса, голландиялик Явоже ван Геннипга аёллар ўртасида спортчининг бу турида 1500, 3000 ва 5000 метр масофаларга ўтказилган мусобақаларда бас келадиганлари топилмади. Чанғи спортида эса удмиртялик Тамара Тихонова 20 километрга пойгада ва 4x5 километрга эстафетада Олимпиада чемпиони бўлди, 5 километрга пойгада кумуш медал билан тақдирланди. Калгарида қўш олтин медал соҳиблари орасида ГДР лик биатлончи Франк Петре Реч, швецариялик тоғ чанғи спортчиси Френи Шнойдерлар ҳам бор эди.

Қишки Олимпиадада Собиқ иттифоқ спортчилари норасмий умумжамоа ҳисобида пешқадамлик қилдилар. Улар ҳисобида 204,5 очко ва 29 та (11 та олтин, 9 та кумуш ва 9 та бронза) медал бор эди. ГДР иккинчи, Швеция эса учинчи ўринни олди.

2.3.7. XVI қишки олимпиада ўйинлари.



XVI қишки олимпиада ўйинлари Франциянинг Альбервиль шаҳрида 1992 йил ----- бўлиб ўтди. Унд 65 мамлакатдан 1804 спортчи, шу жумладан, 492 аёл 12 спорт турида, 57 та медаллар жамланмаса учун беллашдилар. Мусобақлар дастурига аёллар ўртасида беатлон бўйича шахсий биринчилик ва 3x7, 5 километрга эстафета, 1000 ва 5000 метрга шорт-трек, фристайл киритилди. Шунингдек ёллар ўртасида 20 километрга чанғида пойга ва 30 километрга масофага, 70 метрлик трамплиндан чанғида сакраш, 120 метрлик трамплинга алмаштирилди.

Қишки олимпиада Собиқ Иттифоқ давлати парчалангандан сўнг ташкил топган янги мустақил давлатлар спортчилари МДХ бирлашган жамоаси таркибида иштирок этдилар. Улар орасида россиялик Любовь Егорова чанғида 10 ва 15 километрга пойгада ҳамда 4x5 километрга эстафетада учта олтин, 5 ва 10 километрга пойгада бронза медаллар билан тақдирланиб, энг юксак натижа кўрсатди. У 1994 йилги қишки олимпиадада ҳам 5, 10 километрга пойга ва 4x5 километрга эстафетада ғолиб чиқиб, жами 6 та олтин медалга сазовор бўлди. Спортдаги бу юксак натижалари учун Любовь Егорова “Россия қахрамони” унвонига сазовор бўлди.

Ўзбекистон Республикаси спортчилари Лина Черязова ва Лариса Ударова қишки олимпиадада биринчи марта киритилган фристайл бўйича мусобақаларда фристайлнинг акробатика сакраш усулида фахрли бешинчи ўринни эгаллашга мувоффақ бўлди. Спортнинг бу турида биринчи олимпиада чемпионлари эркаклар ўртасида Эдгар Гроспрон, аёллар ўртасида эса америкалик Д.Уайтбрехт эгаллади. Норвегиялик чанғичилр эркаклар ўртасидаги пойгаларининг ҳаммасида ғолиб чиқдилар. Жумладан Вегард Ульванг 10, 30 километрга пойгада ҳамда 4x10 километрга эстафетада олтин, 15 километрга пойгада кумуш медал билан тақдирланди.

Норвегиялик чанғичи Бъери Делели 15 ва 30 километр пойгада 4x10 километрга эстафетада, навбатдаги XVIII Лилихаммер қишки олимпиадасида 10 ва 15 километр пойгада ҳамда XIX Нагоно қишки ўйинларида 10,50 километрга пойга ва 4x10 километрга эстафетада 9 та олтин медаль соҳибаси бўлди.

Немис Г. Нейман конькида 3000метр масофада эса кумуш медалини қўлга киритди. Германиянинг у каби олимпиада, хусусан, биатлонда учта олтин медаль билан тақдирланган чанғичилар ўз мамлакатларини (181 та очко ҳамда 26 та шу жумладан 10 тадан олтин ва кумуш 6 та бронза) медаль билан таъминладилар.

2.3.8. XVII қишки олимпиада ўйинлари (Лиллехаммер, 12-27 февраль, 1994 йил)

Халқаро Олимпия Қўмитаси ёзги ва қишки олимпия ўйинларини шу пайтгача бир йилда эмас, турли йилларда ўтказишга қарор қилинганлиги сабабли Альбервиль қишки олимпиадасидан икки йил ўтиб 1994 йилнинг 12-27 феввалида Норвегиянинг Лиллихаммер шаҳрида XVII “Ок Lillehammer’94 Олимпиада” бўлиб ўтди. Бу ерга чет мамлакатдан 1923 спортчининг, шу жумладан, 522 аёлнинг келгнлиги мусобақаларнинг ташкилий жихатидан бекаму кўст ташкил этилиши, Лиллихаммердаги дўстлик, ҳамжихатлик руҳи ХОҚ президенти Хуан Антонио Самаранча ҳам жуда мақул тушиб, у ўн еттинчи қишки олимпиада ана шу ўйинлар ўтказила бошлангандан бери энг яхшиси бўлди, деб эълон қилди.

1994 йилнинг 12 феввалида Лиллихаммернинг Олимпия стадионида “Хуш келдингиз, Ўзбекистон!” табриги янгради. XVII олимпиаданинг тантанали очилиши телевидения орқали томоша қиладиган икки миллиард томошабин бу хитобни эшитди, улар эътиборини давлатимизни мағрур хилпираётган байроғи, шахдам одим қадам босиб бораётган мустақил мамлакатимиз вакиллари-фристайлчилар Л.Чериязова ва Л. Удакова,

фигурали учишнинг рақис жуптликлари-С.Стерчидао ва Ю.Рзгуляев ҳамда Л.Нурбоева ва Саттороваларни қизғин олқишладилар.

Яна бир неча кундан кейин эса Ҳалқаро Олимпия Қўмитсининг президенти Хуан Антонио Самаранч шахсан ўзи Ўзбекистон Республикаси давлат байроғи кўтарилиб, давлат мадҳиямиз ижро этгани ҳолда фристайл бўйича олимпиада чемпиони Лина Черязовага олтин медални топширди.

2.3.9.XVIII қишки олимпиада ўйинлари (Нагано, 7-22 февраль, 1994 йил)



Нагано шаҳрида 1998 йил 7-22 февраль кунлари XVIII қишки Олимпиада ўйинлари бўлиб ўтди. Япониянинг бу шаҳрига 72 мамлакатдан келган 2338 спортчи, шу жумладан, 810 аёл 14 қишки спорт турида 67 та медаллар жамланмаса учун кураш олиб бордилар.

Бу қишки Ўйинларда Ўзбекистон миллий олимпия терма жамоаси фристайлчилар Лина Черязова ва Сергей Бренер, фигурали учиш бўйича яқка учиш мусобақалари иштирокчилари Татьяна Малинина ва Ромон Спорянов тоғ чанғиси Комил Урумбоев бор эди.

Лина Черязова олимпиада чемпиони унвонига сазовор бўлган Лилихаммердаги мусобақалардан сўнг оғир жароҳат олганлигига қарамасдан ҳақиқий спорт жароҳатини кўрсатиб, фристайл беллашувларни дастлабки кунидан кучли саккизлик сафида эди. Аммо иккинчи куни унинг акробатика сакрашлари у қадар муваффақиятли чиқмасдан, бу сафар ўн учинчи ўрин билан чегрланишига тўғри келди. Сергей Бренер фристайл бўйича мусобақаларнинг финал босқичига йўл ололмади.

Татьяна Малинина фигурали учиш мусобақаларининг яқкалик баҳсида саккизинчи ўринни эгаллади. Яна бир фигурали учиш бўйича вакилимиз Комил Урушбоев эса 29- ўрин билан кифояланди.

Ўзбекистон вакилларининг қишки Олимпиадада тоғ спорти мусобақаларида иштирок этишининг ўзи жуда эътиборга моликдир.

Чимён қишки спортининг “қирли” ҳисобланадиган тоғ чанғиси мусобақлари ўтказиш учун Ўзбекистон спортчилари учун энг яхши жойлардан ҳисобланади. Ғазалкентлик Комил Урушбоев ҳам шу ерда тоғ чанғиси билан шуғулланиб, 1992 йилда Осиё чемпиони, 1996 йилда эса қишки Осиё ўйинлари совриндори бўлди.

2.3.10. XIX қишки олимпиада ўйинлари (Солт-Лейк-Сити, 8-24 февраль, 2002 йил)



2002 йил 8-24 февраль кунлари АҚШнинг Солт-Лейк-Сити шаҳрида бўлиб ўтган қишки Олимпиадада 78 мамлакатдан келган қарийиб 4500 спортчи ўн беш спорт тури бўйича 78 та медаллар жамланмаси учун беллашдилар. Норвегиялик чанғичи Оле-Эйнер Бьорндален ҳеч шубҳасиз, ушбу “Оқ Олимпиада” қахрамони ҳисобланади. 1998 йилда 10 километрга пойгада олимпиада чемпиони, эстафетада кумуш медал совриндори бўлган Оле-Эйнер Бьорндален Солт-Лейк-Ситида 10, 20 километрга пойга, 12,5 километрга жамоа таркибида ҳамда эстафетада ғолиб чиқиб, тўртта олтин медал ва беш карра Олимпиада чемпиони унвонига сазовор бўлди.

Шайбали хоккей бўйича мусобақалар финалида мезбонлар Канада спортчиларига қарши майдонга тушдилар. Спортнинг мазкур тури ватанидан келган хоккейчилар бу учрашувда амарикаликларни 5:2 ҳисобида мағлубиятга учратиб, ярим асрдан кейин яна Олимпиада чемпионлари бўлдилар. Учинчи ўрин учун беллашувда Россия хоккейчилари Белорусь жамоасидан 5:2 ҳисобида ғалаба қозонди.

Афсуски, спортчиларнинг допингдан фойдаланишлари билан боғлиқ кетма-кет можаролар, ҳакамларнинг ноҳолислиги юзасидан беҳисоб

шикоятлар бу ўйинларга 1,9 миллиард доллар сарфлаган Солт-Лейк-Сити қишки Олимпиадасининг яна бир ўзига хослиги бўлди.

Норасмий умумжамоа ҳисобида эса 245,77 очко ва 35 та (12 та олтин, 16 та кумуш ва 7 та бронза) медальга эга Германия Олимпиадачилари биринчи, АҚШ иккинчи (237 очко ва 34 медаль), Норвегия учинчи (169 очко ва 24 та медаль) ўринни олди.

.2.3.11. XX қишки Олимпиада Ўйинлари (Турин, 10-28 февраль, 2006 йил)

XX қишки Олимпиада Ўйинлари 2006 йил 10-28 февраль кунлари Италиянинг Турин шаҳрида бўлиб ўтди. Унда 85 мамлатдан келган 2600дан кўпроқ спортчилар қишки спортининг 15 тури бўйича ўзаро беллашдилар. Улардан Жанубий Африка Республикаси каби қишки спорти тўғрисида яқин-яқингача умуман тасаввурлари бўлмаган мамлакатлар вакиллариининг ҳам иштирок этганлиги эътиборга моликдир.



Бу “Оқ Олимпиадада” Ўзбекистон тоғ чанғи спортида Ғайрат Эрматов, фигурали учишда яқкалик мусобақаларида Анастасия Гимзединова, жуфтликда эса Марина Аганина ва Артем Князев қатнашдилар. Улар совриндор ўйинларни эгалламаган бўлсаларда қуёшли ўлкамизда спортнинг қишки олимпиа турларини ҳам ривожлантиришга берилаётган эътиборини қанчалар.

Турин қишки олимпиадасида норасмий умумжамоа ҳисобида 29 та (11 та олтин, 12 та кумуш ва 6 та бронза) медалларини қўлга киритган Германия спортчилари биринчи ўринни олдилар.

25 та (9та олтин, 7 та кумуш ва 6 та бронза)медал билан АҚШ иккинчи, 22 та (9та олтин, 7 та кумуш ва 6 та бронза) медал билан Австрия учинчи ўринни эгалладилар. Россия жамоасига бу сафар тўртинчи ўрин насиб этди.

ХУЛОСА

1. XIX асрда дунё мамлакатлари ўртасида иқтисодий сиёсий якунлашув миллат ва элаттидан катий назар спорт мусобақаларида беллашувнинг асоси бу халқаро олимпиада ўйинларига асос солингани бўлди.

2. Олимпиада ўйинларини мохияти дунё мамлакатларида жисмоний тарбия ва спортни ривожланишга ҳамда оммалашувига катта асос бўлди. Бундан ташқари Олимпиада ўтказиладиган мамлакатларда янгидан – янги спорт иншоотлари қурилишлар, спортчи тайёрлайдиган олийгохларни очилиши ва спорт анжомлари ишлаб чиқадиган корхоналарни пайдо бўлишига асос бўлди.

Шу давр ичида Халқаро Олимпияда қўмитаси фаолиятида олимпиада ўйинларини ташкиллаш ва ўтказиш бўйича етарлик тажрибалар тўпланди.

3. Спорт турларини оммалашуви янгидан – янги спорт турларини Олимпиада дастурига киритилиши ва спорт мусобақалар қоидалари такомиллаша борди.

Агарда шу уч аср даврида ўтказилган Олимпиада ўйинларини тахлид қиладиган бўлсак қуйдаги хулосаларни қилишимиз мумкин;

4. Биринчи Олимпиада ўйинида 13 мамлакат вакилларида 285 та нафар спортчи спортни 9 та тури бўйича қатнашган бўлса, биринчи жаҳон уруши арафасида 5 – Олимпиада уларни сони яъни Олимпиадага иштирок этган мамлакатлар сони 28 та спортчиларни сони 2541 нафар аёллар эса 57 нафарни дастури киритилган спорт турлари 16 га етди.

Биринчи жаҳон уруши арафасидаги 1916 йилда Берлинда бўлиб ўтадиган навбатдаги 6 олимпиада 1 - жаҳон уруши сабаблик ўтказилмади.

Шундай қилиб 5 та Олимпиада ўйинларида беллашдилар 6 – Олимпиада ўйинларида спортчилар уруш майдонларида бўлиш қанчалик ачинарлик ҳақиқатга айланди.

5. Биринчи жаҳон урушдан сўнг 1920 йил Халқаро Олимпиада ўйинлар ўз фаолиятини босилиб иккинчи урушга қадар 5 олимпиада ўйинлари ўтказилиб, шунда 12 – 13 Олимпиада ўйинлари 1940 (Токиода) 1944 йил

Олимпиада ўйини баъзи сабабларга кўра ўтказилмади. Урушдан кейинги 1920 йилдаги 7 олимпиада ўйинида 29 мамлакатдан 2606 нафар спортчилар иштирок этган бўлса (шу жумладан 63 нафар аёллар) 11 спорттурлари бўйича иштирок этган бўлса, 1936 йилга келиб 49 мамлакатдан 4069 нафар спортчи (328 нафар аёллар) 21 та спорт турларига етди. Бу эса Олимпиада ҳаракатини дунё мамлакатлар ўртасида қанчалик ошганидан далолат беради.

6. Иккинчи жаҳон урушидан шу давргача 14 та Олимпиада ўйинлар ўтказилди. 1946 йилдаги урушдан сўнги Олимпиадада 4689 нафар спортчи (185 нафар аёллар) 59 мамлакат спортчилари 28 спорт турлари бўйича беллашдилар.

Иккинчи жаҳон урушдан сўнг ўтказилган Олимпиада ўйинларида ХОК фаолиятида жуда катта ижодий ўзгаришлар бўлди.

7. 1950 йилда 61 миллий олимпияда қўмитаси ҳозирги даврда Халқаро Олимпияда қўмитасига 200 дан ортиқ мамлакатлар аъзо бўлиб кирди. Собик иттифокдан ажралган мустақил давлат сифатида ХОК аъзоликка қабул қилинди. ХОК фаолияти янада кенгайди, Халқаро спорт федерациялари, миллий олимпия қўмиталарини ўзаро ҳамкорлиги уларни иш масалалари мазмуни тинчлик ва дўстлик борасида кўп амалий ишлар амалга оширилди.

8. Олимпиада ҳаракат бўйича ўрганилган тарихий ва ҳозирги даврдаги манбалар шуни кўрсатдики Олимпия ҳаракатидаги мамлакатлар ўртасида тинчлик, дўстлик муносабатларини янада ривожлантириш борасида Олимпия ҳаракати ўз мақсад ва вазифаларни тўла амалга ошириш учун қуйдагиларни ўзида мужассамлаштириб олиш зарур кўринади:

- Олимпия ҳаракати инсонпарварлик йўналишидаги раванқ топиши, унинг маънавий ва ахлоқий тамойиллари ривожланиш ва мамлакат спорт фаолияти билан боғланишни ривожлантириш ;

- халқлар ўртасидаги тинчлик ва дўстлик мустаҳкамлаш, инсоният тақдирини Олимпия ўйинлари катта восита эканлигини тарғибот қилиш ;

- Олимпия ҳаркатида қабул қилишда спортчиларнинг миллати ирқи, диний дўнё – қарашларидан қатъий назар, тенг ҳуқуқини таъминлаш ;

- энг яхши Олимпия анъаналарини сақлаш ва мустаҳкамлаш билан дунё мамлакатлари ўртасида тинчлик ва дўстлик муносабатларини ўрнатишни янада ривожлантириш ;

- жаҳон хаваскорлик спортини оммалаштириш, бу билан талантлар ва энг юқори дунё спортчиларини кўрсатиш орқали ёшларни олимпиядага қизиқишни бу эса мамлакатлар ўртасида дўстлик, дўстлик воситалари эканлигини кўрсатиш ;

- олимпия ўйинлари тўғрисида адабиётлар, кўлланмалар, видеофильмлар, табица ва плакатлар тайёрлаш ва шу орқали Олимпиада ўйинларини мамлакатлар ўртасида тинчлик ва дўстлик муносабатларни мустаҳкамлаш томонларини ёритиб бериш.

- жисмоний тарбия ва жисмоний маданият мутахассислари, спорт мураббийлари ўртасида Олимпиада ўйинларини дўстлик ва тинчлик томонларини ёритиб берадиган илмий – амалий конференциялар ўтказиш.

Бу йўлда келажакда Халқаро спорт ҳаракати ва Олимпия ўйинларини мамлакатлар ўртасидаги дўстлик ва тинчликни ўрнатиш учун кенг имкониятлар очиб беришга шак – шубҳа бўлиш мумкин эмас.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини барпо этамиз. Тошкент “Ўзбекистон” 2016 й. 56 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил қатъий тартиб, интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбар фаолиятини кундалик фаолияти бўлиши керак. Тошкент “Ўзбекистон” 2017 й 104 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Қонун устиворлиги ва манфаатларини таъминлаш юрт тараққиёти ва халқ фаровонлиги гарови. Тошкент “Ўзбекистон” 2016 й. 48 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олий жаноб халқимиз билан бирга курашимиз. Тошкент “Ўзбекистон” 2017 й. 488 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Жисмоний ва тарбия ва оммавий спортни ривожлантириш туғрисидаги қарори. 5 июн 1917 йил.
6. Мирзиёев Ш.М. Футболни ривожлантириш туғрисидаги қарори. 16 март 2018 йил.
7. Мирзиёев Ш.М. Аҳолини жисмоний тайёргарлигини ва саломатлик даражасини белгиловчи Алпомиш ва Барчиной махсус тестларини ва мусобакаларини ўтказиш туғрисидаги қарори. 03.06.2017 йил.
8. Айрапетьянц Л.Р. Педагогические основы планирования и контроля соревновательной и тренировочной деятельности в спортивных играх. Авт. дисс... д.п.н. – М. 1992.
9. Ахматов М. Келажакка хизмат қилувчи тизим. //Халқ таълими. 2001, №1. Б.4-10.
10. Ахматов М. Жисмоний-интеллектуал ресурсларни бошқаришни такомиллаштиришнинг баъзи масалалари. //Тезисы научной конфер. "Десять лет экономических реформ в Узбекистане: достижения, проблемы и перспективы". Ташкент-Берлин-Бонн, 2001. Б.61-63.

11. Ахматов М. Система организации и проведения соревнований среди учащейся молодежи Узбекистана. //Между-нар. научно-практ.конф. "Актуальные проблемы теории и практики физической культуры", Алмата, 2001. С.200-203.
12. Ахматов М. Жисмоний-интеллектуал ресурслар ва уларни самарали бошқариш услублари. //Иқтисод ва таълим, 2001, №3/4. Б.54-60.
13. Ахматов М. Управление физической культурой и спортом в новой модели образования Узбекистана. //Халқ таълими, 2002, №1. Б.111-119.
14. Ахматов М. Управление массовой физкультурно-оздоровительной и спортивной работой с детьми и учащейся молодежи. //Халқ таълими, 2002, №3. Б.102-111.
15. Ахматов М. Ўзбекистонда жисмоний-интеллектуал ресурсларни шакллантириш масалалари. //Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари Жисмоний тарбия ва спорт назарияси ҳамда амалиётининг муаммолари. Тошкент, 2001. Б.20-21.
16. Ахматов М. Оммавий спорт мусобақаларида бошқарув тизими ва уни такомиллаштириш. //Иқтисод ва таълим, 2003, №1. Б.60-69.
17. Ахматов М. Умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг "Умид ниҳоллари" спорт мусобақаларининг янги ташкилий асослари //Халқ таълими, 2004, №1. Б.4 - 11.
18. Ахматов.М. Узлуксиз таълим тизимида оммавий спорт ҳаракатининг ташкилий ва бошқарув асослари. "Фан-спортга" 2004й №2 С.10-26
19. Ашмарин Б.А. Теория и методика физического воспитания. М.; Просвещение. 1990. 282-284 с.
20. Боген М.М. Обучение двигательным действиям.М.,2005. С.41-58.
21. Бадаева З.Х. Методика занятий с девочками на уроках физической культуры в 5-7 классах сельских школ Узбекистана. Авторефер. дис..., канд.пед.наук. , Т., 1994. 14-22 с.
22. Бондаревский Е.Х., Хонкелдиев Ш. Х. Физическая подготовленность учащихся и молодежи. Т., Медицина, 1996. 205 с.

23. Верхошанский Ю.В. Основы специальной физической подготовки. М. ФиС. 1998. 200 с.
29. Иванов В. И. Основы математической статистики. Учеб. Пособие. М.: «ФиС» 1990. 172-176 с.
30. Керимов Ф. А. Спорт фани: Муаммолар ва истиқболлар. // Педагогик таълим/. (Илмий назарий ва методик журнал). №5 Тошкент 2003, 3-6 б.
31. Кошбахтиев И. А. Научно – педагогические основы совершенствования физического воспитания студентов: Автореф. док. пед. наук. Т., 1993 с 38-42.
32. Матвеев Л.П. Теория и методика физической культуры. М. Физкультура и спорт. 1991, 95-96 с.
34. Мейксон Г. Б., Любомирский Л.Е. Методика физического воспитания школьников. – М. Просвещение 1989. 180 с.
35. Отаев А. К. Болаларни чакқон, эпчил ва бақувват қилиб тарбиялаш. Т. Ўқитувчи, 1990, 88-80 б.
36. Рихсиева А. А., Насриддинов Ф. Н., Рихсиев А. И. Физическое состояние школьников и спортивной молодежи. Тошкент. Ибн Сино 1992. 152 с.
37. Саломов Р.С. Проблемы высшего физкультурного образования. Тошкент – 1992. 24 с
38. Сухарев А. Г. Здоровье и физическое воспитание детей и подростков. М., Медицина. 1991, 270 с
39. Сейтхалилов Э. А. Педагогические основы оздоровительной направленности учебно-воспитательного процесса в общеобразовательных школах Узбекистана. дис. на. соиск. уч. степ. док. пед. наук. – Тошкент 2000, 60 с.
40. Ўзбекистон Республикаси умумтаълим мактабларининг I-XI синф ўқувчилари учун жисмоний тарбия дастури. Тошкент, 1997, 45-б.
41. Усмонходжаев Т. С. Научно-педагогические основы физического совершенствования детей в связи с их двигательной активностью. Авт. дисс... док-ра. пед. наук. Тошкент., 2013. 50 с.
42. Ҳамрақулов А. Қ. , Юнусов Т.Т., Шатерников Э. К. ва бошқалар "Олимпия билимлари асослари" Тошкент-2002.

43. Хрущев С.В. Врачебный контроль за физическим воспитанием школьников. М. 1980. – 220 с.
44. Шиян Б. М. Теория и методика физического воспитания. М. Просвещение 1998. 146 с
45. Хонкельдиев Ш.Х., Абдуллаев А. ва бошқалар. Соғлом турмуш тарзининг жисмоний маданияти ўқув қўлланмаси. “Фарғона” нашриёти, 2010.
46. Хонкельдиев Ш.Х., Абдуллаев А. ва бошқалар. Касб-хунар коллежлари ўқувчи ёшларининг соғлом турмуш тарзи жисмоний маданияти ўқув қўлланмаси. “Фарғона” нашриёти, 2010.
47. Ханкельдиев Ш., Абдуллаев А. ва бошқ. Жисмоний машқлар билан шуғулланиш машғулоти. Фарғона – 2011 й.
45. www.pedagog.uz
46. www.arxiv.uz